

ТЎХТАМУРОД  
ТОШЕВ

# АДОЛАТГА ХИЁНАТ

Қисса

Тошкент  
“Адолат”  
2017

**УЎК: 821.512.133-31**  
**КБК: 84(5Ў)6**  
**Т-71**

Т-71                   **Тўхтамурод Тошев.**  
Адолатга хиёнат [Қисса]. — Тошкент: “Адолат”, 2017.  
— 80 б.

ISBN 978-9943-5136-2-4

**УЎК: 821.512.133-31**  
**КБК: 84(5Ў)6**

Таниқли журналист ва ёзувчи Тўхтамурод Тошев кенг қамровли ўқувчи-китобхонлар даврасида ўзининг “Меҳнат — инсонни улуғлайди”, “Эл ўғлони”, “Муҳаббат рамзи”, “Озодлик — буюк неъмат”, “Одамларни севиб яшайман”, “Адашганлар қисмати”, “Хиёнат”, “Полковникнинг қисмати”, “Меҳр қолур, муҳаббат қолур...” каби ўндан ортиқ китоблари билан яхши таниш.

Ёзувчининг навбатдаги китоби — “Адолатга хиёнат” қиссаси китобхонларни бефарқ қолдирмайди. Унда муҳаббат, севги, оилавий муносабатлар, ҳаётдаги қатор ижтимоий муаммолар ёзувчи томонидан моҳирона қайд этилган. Ушбу китобни ўқиган инсонлар, айниқса, ёшлар ўзларига тегишли хулосалар чиқариб оладилар ва ҳаётда яқин инсонларига хиёнат қилмайдилар, тўғри, ҳалол йўлни танлаб оладилар деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-5136-2-4

© Т. Тошев, 2017 й.

© Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
“Адолат” нашриёти, 2017 й.



## МУҚАДДАС ҚАСР

**М**уҳаббат нима? Севги ўзи борми?! Муҳаббат деган нарсa борми?!

Инсоният дунёга келибдики, бу саволларга жавоб излаб келади.

Муҳаббат бу — қалб иши. У илоҳий қудратга эга. Шунинг учун ҳам муҳаббат покликни, софликни, ҳалолликни талаб қилади. Разолат, қабохат, хиёнат аралашган жойда муҳаббат сўнади. Ёлғон ва фириб кириб борган жойда муҳаббат нобуд бўлади. Севги уволга учрайди. Ҳасад, ғараз, ёлғон аралашган жойда муҳаббат чекинади, бўзлайди, манзилига етмай ҳалок бўлади.

Муҳаббат... Бу бир оғизгина буюк сўз кимларни ўйлантирмаган, кимларни лол қолдирмаган ва кимларни Мажнун қилмаган дейсиз? Менман деган алломалар ҳам, файласуфлар ҳам муҳаббат сўзига изоҳ беришда бир неча дақиқа бошларини қашлаб қолишган...

Буюк адибимиз Абдулла Қодирий айтганларидек, “Мозийга қараб иш тутмоқ хайрлидир”. Алқиссаки, қадим замонлардан бери муҳаббат бор бўлган ва мангу бўлаверади. Аммо, уни ҳар ким ўзича талқин қилиб, таъриф бериб келган, ўзича кашф этган, ўзича баҳо берган. Албатта, ҳозирда ана шундай муносабатларнинг ҳам шоҳиди бўлиб қоламиз.

Муҳаббат ҳақида гап кетганда, унга бир ёқлама баҳо бериб бўлмайди. Масалан, аҳду паймон қилган икки ёш ўртасида биттаси бевафолик қилса, муҳаббат йўқ, у қумга сингган сувдек йўқ бўлади, агар борди-ю, насиб этса, икки ёш муродларига етиб, оила қурсалар, муҳаббат бор, севги бор, деб ўйлашади. Бу аслида нотўғри хулоса ҳам бўлиши мумкин.



Чунки, янги вужудга келаётган муҳаббатнинг рўёбга чиқиши, бир томондан, ота-оналар қариндош-уруғлар, кексалар маслаҳати, розилиги, фатвосига, иккинчи томондан, икки ёшнинг ақл-идроки, иймон-этиқоди, одобу фазилатларига боғлиқ бўлади. Баъзан муҳаббат йўлида тўсиқлар кўпайиб кетади. Фурсатдан фойдаланган рақиблар иш бошлаб юборадилар. Миш-миш, иғво, фиққу фужурлар ўйлаб топадилар. Битиб турган ишни зарба билан йўқ қилиб, ўз қилмишларидан завқ олиб яшайдилар бу нобакорлар.

Ёшлар ҳам баъзан муҳаббатдан манфаат қидирадилар. Мансабдор, пулдор оилалардан келин қидиришлар шундай фаровон замонда ҳам авжига чиқиб бораётир. Янги ҳаёт бўсағасида турган ёшларимиз, билиб қўйсинлар-ки, агар оила қуришда икки ёшнинг меҳр-муҳаббати, одоб-ахлоқи, фазилатлари асосий масала деб қаралмаса, фақат мол-дунё, бойлик, пул ёшларни бахтли қилади деган хулосага келинса, бундай ҳолатда муҳаббат чайқов бозоридаги матога айланиб қолади...

Муҳаббатни бир томонлама тушунмаслик керак. Аксарият ёшлар ҳаётга синчковлик билан қараб, ақл-идрок, одоб билан ота-онадан, улуғлардан маслаҳат олиб, ўз тенгларини топиб турмуш қурмоқдалар ва бахтли, осуда ҳаёт кечирмоқдалар. Бироқ, баъзан ҳаётда кўриб турганимиздек, ҳозирги айрим ёшлар “ёндим”, “куйдим”, “ўламан” дея бир кўришдаёқ яхши кўриб қоладилар ва ота-онани шу никоҳга мажбурий тарзда рози қиладилар. Тўй ўтади, яхши ният билан йиғиб қўйилган молу дунё тўлиғича сарф бўлади. Бир фурсат ўтиб қаралса, куёв бошқа дунё-ю, келин бошқа дунё. Униси етмагандек, ҳар иккаласида ҳам на маълумот бор, на ҳунар. Ана сизга машмаша, ана сизга ғалва-жанжал...

Тўғри сўздан қовоқ уймайлик. Кўпинча ана шундай шоша-шошарлик билан ўтказилган никоҳ тўйлари яхшилик билан поёнига етмаяпти. Оилалардаги келишмовчиликларда биз бир нарса ҳақида сўз очишни ор биламиз. У шохона тўй қиламан деб, қарзга ботган оиладаги тўйдан кейинги етишмовчилик, йўқчилик. Албатта, оилали бўлишгач, келин билан куёвнинг иккаласи ҳам ишламаса, рўзгорни қандай қилиб тебратиб бўлади.



Ҳолбуки, бундай оилалар талайгина. Қуда-андачиликда яна бир қусур пайдо бўлди. Эл қатори қизингизни турмушга узатасиз. Бир-икки ой иззат-ҳурмат жойида, оғизларидан бол томади қудаларнинг. Кейин шартлар, ультиматумлар қўйиш бошланади: “Мана энди, қудажон, зўр умид билан сизга қуда бўлдик, оиламиз кўпчилик, “дом-пом” дегандай ёрдам берасиз-да, энди...” Бир амаллаб “дом”ни ҳам эплаб берасиз. Кўп ўтмай, тиржайиб яна идорангизга киради: “Қудажон! Куёвни пайғамбарлар ҳурмат қилибди, дейдилар. Бирорта эски дипломини эплаб бўлса-да, иш-пишга жойлаб дегандай...”. Ҳа, энди бир йўлини қилиб ишга ҳам жойлайсиз. Ўша бўлар-бўлмас ишни эплаб кетса-ю, нур устига аъло нур. Агар эплай олмаса-чи? Яна уч-тўрт ерга кўчиришга мажбурсиз.

Қисқаси, қизингиз ва унинг икки-уч боласини куёвингиз билан қўшиб боқасиз. Шартнома шундай-да! Агар аксинча бўлса, қизингизнинг паттаси қўлига тегади...

Кўпгина никоҳ тўйлари рисоладагидек ўтади. Аммо, расм-русм, урф-одат деб аталмиш удумлар тагида талайгина иллатлар вужудга келаверади, агар ҳушёрроқ бўлинмаса. Ҳар хил олдибердилар, совға-саломлар, йўқландилар каби тобора кучайиб бораётган иллатлар қудалар орасига, қолаверса келин-куёвлар муносабатига ҳам рахна солиб қўймоқдаки, бу ҳақда ачинмай гапириб бўлмайди. Шунинг учун бўлса керак, Худонинг битмиш куни судда ғалва-жанжал: келин-куёвлар ажрашаётган, қудаларнинг қўллари бир-бирининг ёқаларида, оғизларидан шоди кириб, боди чиқади. Керак бўлса, бунга ҳаётдан юзлаб мисоллар келтириш мумкин...

Қўлингиздаги таниқли ёзувчи Тўхтамурад Тошевнинг “Адолатга хиёнат” қиссасида шундай воқеалар тасвирландики, унинг қаҳрамони бўлган ёшлар муҳаббат деган илоҳий қудратнинг қадрига етмай, бир-бирига қилган хиёнатлари азобларини чекадилар. Асардаги ташбеҳлар орқали ёзувчи ёшларни севги бобида адашмасликка, муҳаббатда ҳалолликка чақиради.

Хулоса қилиб шуни таъкидламоқ керакки, ёшлар оила қуришга жиддий тайёргарлик кўришлари керак. Ҳаётда ҳамма нарсанинг ўз қонуни бор, шу жумладан муҳаббатнинг ҳам. Бу



қонун ҳар бир инсондан иймонунинсофни, дину диёнатни, поклик ва софликни, ҳалолликни, ифбатни талаб қилади. Ана шу қонунга амал қилмаганлар муҳаббат деб аталмиш муқаддас қасрга кира олмайдилар.

Эй, ошиқ йигит! Ҳушёр бўл, севги бир оташки, ундан ёнгин чиқиб кетмасин. Демак, ёр танлашда адашма, акс ҳолда жаҳаннамни бу дунёдаёқ кўрган бўласан.

Муҳаббат сеҳри икки ёшни пировардида никоҳга етаклаб келади. Никоҳга хиёнат, ёлғон аралашса, албатта, фожеага айланади...

Таниқли ва истеъдодли ёзувчи Тўхтамурод Тошевнинг “Адолатга хиёнат” қиссаси бу йўлда адашганларнинг кўзини каттароқ очишига хизмат қилади, деб ишонамиз.

**Ғани Абдуллаев,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,  
профессор.**

**Жўрахон ҳожи Саййид Авлиёхон,  
олим ва ёзувчи.**



### “Хотини эрини суд қилар эмиш...”

**Б**у гап оғиздан-оғизга кўчиб, бутун туман марказига тарқалди. Айниқса, аёлларнинг куни туғди: “Боплаб ўчини олади энди”, деди бири. “Тўғри қилади”, деди бошқаси. “Иккита гўдакнинг уволи урсин уни. Отасининг соясида роса даврини сурди, муттаҳам”, деди учинчи бир аёл.

Хуллас, ўша куни эшитган ҳам, эшитмаган ҳам Маданият саройига урди ўзини. Каттакон зал бир зумда одамлар билан лиқ тўлди. Адолатнинг эса ҳеч нарсадан хабари йўқ эди. Тўғри, иш билан танишаётганида юрагининг аллақаери жизиллаб кетгандай бўлувди. Лекин, оламда нима кўп, бир-бирига ўхшаган исму шарифлар кўп деган хаёлга бориб, эътибор бермай қўйганди. Бунинг устига, отаси қазо қилганидан кейин Азиз онаси ва ёлғиз бева опаси билан бирга тумандан кўчиб кетишганди. Шунга ҳам уч йил бўлиб қолди.

— Ўрнингиздан турунг, суд келяпти.

Зал оёққа қалқди. Икки маслаҳатчи ҳамроҳлигида ўрнига келиб ўтирган Адолат қора курсидаги жиноятчига қаради-ю, ичидан зил кетди. Кўз олди қоронғилашиб, беихтиёр бошини чангаллаб олди.

— Нима бўлди қизим? — сўради ўнг томонда ўтирган кекса маслаҳатчи. Тобингиз қочдимиз?

— Ҳа, отахон, “иш”ни кўролмаيمان, шекилли.



Бир нимани фаҳмлаган маслаҳатчи-оқсоқол аста ўрнидан турди:

— Жаноблар, суд раиси бетоб бўлиб қолганлиги туфайли суд иши бошқа кунга қолдирилади, — эълон қилди у.

Одамлар ҳайрон бўлиб, елка қисиб тарқалишди. Хаёллар гирдобиди мияси чархпалакдай гувиллаётган Адолатни котиба қизнинг овози худди ёмон туш кўраётган пайтда бирдан ўғотиб юборгандай бўлди:

— Врач чақирайми, опа?

— Нима? Э, йўқ, — деди бошини кўтариб Адолат, — бу дардни докторлар даволай олишмайди...

Иккинчи маслаҳатчи ҳайрон бўлиб, ҳамроҳига қаради. Кўпни кўрган отахон алланимага тушунгандай бўлди шекилли, ўсмоқчилаб сўради:

— Ишни бошқа туман судига ўтказиб юборсакмикин?

— Шундай қилишга тўғри келади, отахон.

— Нега, ахир? — сўради қизиққон котиба.

— Чунки... чунки жиноятчи... Билсанг, менинг эрим.

— Нима-а-а, — бир неча оғиздан бирваракайига чиққан бу савол залда худди момақалдиروقдай гумбурлаб кетди...

### Қасамёд

... **А**долат ўрта мактабни олтин медал билан тамомлади. Йигитнинг етуклик гувоҳномасидаги баҳолар эса, нотекис эди. Шундай бўлса ҳам, у институтга киришга аҳд қилди. Нима бўпти, ётиб қолгунча отиб қол! Аммо у отаси орзу қилгандай юрист эмас, врач бўлишни хоҳларди.

— Доктор бўлсам сенинг ойингни ҳам ўзим даволайман, Адол, — дерди йигит маъшуқасига. Ўшандай пайтларда қизнинг кўз ўнгида дардманд онасининг оёққа туриб кетгани гавдаланарди-ю, йигитга меҳри ошиб, унга миннатдорчилигини қай йўсинда билдиришни билолмай, оддийгина қилиб “раҳмат” деб қўя қоларди.





Ўз орзуси қанотида учиб-қўниб юрган бўлажак доктор бир куни “ойим билан таништираман”, деб Адолатни жон ҳолига қўймасдан уйларига бошлаб келди. Яхшиямки, ҳовлида ҳеч ким кўринмади. Дарвозаси нақшиндор, ҳашаматли бино олдида қиз аввалига бир оз ийманиб турди. Лекин ичкарига киргач, у ердаги бир-биридан бежирим хоналар, ранг-баранг гиламлару ганжли гарнитурлар уни бутунлай ром этиб қўйди.

— Буларнинг ҳаммаси сен билан меники... Бизники бўлади, — деди йигит қизнинг қўлларидан ушлаб, — бирга ўқиймиз, бирга ишлаймиз. Нима дейсан, азизам?

— Қайдам, — қиз кўзларини олиб қочди. Бироқ, йигит маҳбубасини бағрига тортганда, қиз унга қаршилик кўрсатишга ожизлик қилди. Оташ бўсалар оловида қоврилаётган икки дил шу тобда ҳамма нарсани унутган эди. Шунинг учун улар ота-онанинг кириб келишганини ҳам пайқашмади.

— Вой ўлмасам, — онанинг қўлидаги тугун тапилаб оёқ остидаги гилам устига тушди. — Бу не шармандалик?

Қиз ўзини йигитнинг панасига олди. Она оғзидаги жияк алақачон йиртилган эди:

— Қиз ўлгур, уялмай-нетмай ҳали она сути оғзидан кетмаган болага тармашасанми? Ҳаё деган нарса борми ўзи сенда?

— Ойи! — бақирди йигит, бунда... бизда нима айб?

— Жим бў! — ўшқирди ота, — беномуслар! Йўқот бунингни! Ҳе, сендақа Лайли Мажнунлардан ўргилдим... тирмизаклар!

Қиз йиғлаб, ўзини ташқарига отди. Йигит унинг ордидан талпинган эди, ота йўлини тўсди:

— Сен қаёққа?

Ўғил аста ўғирилди. Кўзларида жиққа ёш билан бош эгиб турган фарзандига Шерали аканинг раҳми келиб,



кўнгли бироз юмшади. Шу пайтгача у ёлғизини бирор марта бу алфозда кўрмаган эди. Ҳалигина тунд ҳолдаги қовоғи аслига қайтиб, ширмондай қизил юзи бир оз ёришди. Қуюқ қора қошлари остидаги серкиприк йирик кўзларини Азизга тикиб, қориндор йўғон гавдасига мос бўлмаган чаққонлик билан сакраб ўрнидан турди:

— Ўғлим, битта-ю битта суянчиғимсан, уйланиш қочмайди. Аввал ўқиш керак! Ўқисанг, кам бўлмайсан. Юрист бўласан, шукрки, заримиз ҳам, зўримиз ҳам бор: Пиримқул туманнинг ҳокими — устун, ўшанинг қизига оғиз солганман.

— Адолат...

— Бас. Тенг-тенги билан... дейдилар. Оёғидан силкитсанг, чўнтагидан ҳемири тушмайди-ю... Зарари йўқ, ўқишга кирсанг, бу ўткинчи ҳислардан қутулсан. Балки, Америкага бориб ўқирсан...

— Ўқишга дейсиз, дада. Бунисига киролмайман... Тест оғир... кейин... Хоҳламайман!

— Кирасан. Пул бўлса, чангалда шўрва! Тестингни “есть” қиламиз.

Ота адашди: югурди-елди, тўқди-сочди, бўлмади. Азиз танловдан ўтолмай, эл оёғи тингач, қоронғуда пасқам-пана кўчалардан ўғридай писиб, уйига кириб келди. Бироқ, эл оғзига элак тутиб бўлармиди?! Бу хабар қишлоққа тез тарқалди. Уялган ота бир-икки даврада ўзича баҳона тўқиган бўлди:

— Аслида шу ўқишга хоҳиши йўқ эди, болани ўз эркига қўйиб бериш керак экан...

Эрк! Лекин, тўй ҳақида гап борганда, ота-она яна тўнини тесқари кийишди. Иложсиз қолган икки севишган қалб амал-тақал қилиб ёшларнинг қадрдони Феруза Аҳадовна ёрдамида пинҳона никоҳдан ўтиб олишди. Бутун орзулари пучга чиққан, ўша катта, ўша “устун”



билан қуда-анда бўлиб, туманда кўзга кўринишни ният қилиб юрган Шерали ака жаҳл устида ўғлини уйдан ҳайдади.

Муҳаббат изтиробли-ю, аммо изтиробдан устун, деганлари рост экан. Адолатнинг дадаси Азизнинг жонига ора кирди:

— Ота қалби — осмон, она меҳри — денгиз. Ҳадеб азият чекаверманг, — дерди қиз Азиз ҳар гал хаёлга чўмганида. — Мана кўрасиз, бир кун келиб тушуннишади. Ахир, айбимиз бир-биримизни севганимизми? Йўқ, кечиришади бизни!

Шундай пайтларда Адолатнинг онаси Норбуви хола ўзини ушлаб туrolмасди. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

— Чакки қилдиларинг, болаларим, — деди у хаста овоз билан, — улар кечиришару, лекин ота-онани ранжитган — асло униб-ўсмайди. Биламан, отангиз, куёв, савдонинг, тижоратнинг пири, пули кўп. Ҳамма соясига салом берадиган Пиримқулдай зўравон ҳам худди ана шу бойликка, қолаверса, ёлғиз фарзанди, данғиллама уй-жой, ҳовлига қантариб қўйилган “Мерседес” машинасига учиб, отангиз билан қуда бўлмоқчи эди.

— Менга зўравонлик кетмайди, — деди Азиз хаёл аралаш, — севгига зуғум қиладиган замонлар ўтган.

Адолат эрининг фикрини маъқуллаган бўлди.

— Муҳаббат ҳатто шоҳлардан ҳам устун бўлган экан. Лайли Мажнун, Тоҳир Зухра, Фарҳод Ширинларни эсга олинг, ойи!

— Бе, — ётган жойида қўл силтади Норбуви хола, — Пиримқулни билмайсиз... Унинг қўлтиқтаёғи бор, қаноти эса, пул!

— Шу лавозимга муносиб эмас-ку, бу одам, ҳеч ақлимга сиғдиrolмайман, — куйиниб гапирди Азиз, — раҳбарлик ҳам — санъат. Истеъдоди йўқ артист саҳнадан



тез ҳайдалади. Бизнинг тарих муаллимимиз ҳамиша шундай дер эдилар.

— Балли, — онанинг юзи бир оз ёришгандай бўлди, — мана, мен ҳам ўқитувчи эдим. Шу дарди бедавога чалиндиму тўшакка миҳланиб қолдим. Билиб қўйинг, Азиз, ҳаёт — бир гулзор. Бироқ шу гулзорда райҳон баданига ёпишган зарпечаклар ҳам учраб туради. Зарпечакда эса, илдиз йўқ, ҳамиша бошқа бирор ўсимликнинг танасига ёпишиб, унинг баданидаги шира ҳисобига кун кўради. Шунинг учун бу текинхўр ўтнинг ранги зардобдай заъфарон. Ундан ҳеч қанақа наф йўқ. Деҳқон ўз даласини шу зардобдан тозалаб юради. Лекин зарпечакнинг даҳшати шундаки, у нимжонроқ ниҳолларни майиб қилиб қўйиши мумкин. Ана шуниси хавфли. Шунинг учун зарпечаклар дарров олиб ташланади!

— Зарпечаклар юлиб ташланадими, — ҳушқол гапира бошлади Адолат, — унда нега қуюнаси, ойи? Демак, бугун-эрта Азизнинг дадалари ҳам келиб бизлардан кечирим сўрайдилар. “Болаларим, адашибмиз, дейдилар бош эгиб, мен билан ойингизни маъзур тутинг, қизим. Сизда ҳам, Азизда ҳам айб бор. Боламнинг жуфти ҳалоли бизга ҳам фарзанд. Сизларни олиб кетгани келдим. Вафо-ю, садоқат билан қўша қаринглар. Фақат жанжаллашманглар”, деб панд-насиҳатлар қиладилар. Биз ҳеч қачон бир-биримизни ранжитмаймиз-а, Азиз?

— Ҳеч қачон! Ҳеч қачон! Ҳеч қачон! — Азизнинг овози худди қасамёддек жаранглади.

— Сизга ишонаман, Азизжон, — деди она кўзларига ёш олиб, — қизим бечорани ота ҳасрати адои тамом қилди. Бунинг устига менинг дардим ортиқча бўлди унга...

— Нега унақа дейсиз, ойи?! — Адолат онасининг пешонасини силади. — Бу касалга ҳам даво топилганмиш-ку, ахир, Азиз ТошМИга кирмоқчилар. У ерда зўр-зўр



профессорлар, докторлар билан танишиб, сизни қаратгани олиб кетадилар.

— Ўқишга бирга борамиз, Адол, — деди Азиз. Шундай деди-ю, бирдан тилини тишлаб қолди. У севгилиснинг хаста онани ташлаб кетолмаслигини яхши билар эди. Шунинг учун ҳам қўққисдан оғзидан чиқиб кетган бу гап она-болани ранжитиб қўймадимикин, деган хаёлга бориб, аввал Адолатга, кейин қайнонасига зимдан назар ташлади: сезишибди!

— Қизгинам, йўлингга тўғаноқ бўлдим, — чуқур уф тортди Норбуви хола, — тезроқ ўлақолсам бўлмасмиди?!

— Ойижон, ўксиманг, сизни ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман. — Адолат бемор онанинг кўксига бош қўйди. — Мен ишлайман, Азиз ўқийдилар. Фақат сиз кўнглингизни бузманг, ойижон.

— Сизни ёлғиз қолдирмаймиз. — Азиз қайнонасининг қоқсуяк панжасини юзига босди. — Мана кўрасиз, даволатаман, ўқишни битиргач, ўзим даволайман.

— Умрингиздан барака топинг, болам.

Орага ноқулай жимлик чўкди. Ҳар ким ўз хаёллари билан банд эди.

Она икки ёшнинг хали мавҳум келажаги, Адолат ўз маҳбуби, Азиз эса, бу оила бошига тушган кулфат ҳақида ўй сураб эди. Адолатнинг дадаси ширкат хўжалигида ҳосилот эди. Азиз унинг ўз ишини ташлаб, қайси бир савдо омборига мудир бўлиб ишга кирганини ва орадан икки йил ўтиб-ўтмай, жуда катта камомадга йўл қўйиб, қамалиб кетганини яхши биларди. Бу ҳақда у Адолат билан ҳам жуда кўп марта гаплашган. Ўшандай суҳбатларда Адолат ҳар гал “Уйга бирон нарса олиб келган эмаслар, шунча пулни дадам қаёққа қўйган эканлар?” — деб сўраб, бу чигаллик олдида ожиз қолган Азизни эса, яна бошқа бир савол қийнади: “Нега у кишига дадам ёр-



дам қилмадилар, ахир дўст эдилар-ку, ўзлари ишга қабул қилган...”

Азизнинг назарида саволларнинг чек-чегараси йўқдай. Жуда боши қотган. Яхшиямки, шу пайт дарвоза тақиллаб қолди. Адолат чиқиб, почтачини бошлаб келди. Норбуви холанинг пенсиясини келтирган экан. “Хушхабарчи” жўнаши билан ҳовлига пакет кўтариб олган бир тўда кишилар кириб келишди. Ҳалигина сув сепгандай жимжит ҳовли бир зумда олағовурга тўлиб кетди. Норбуви хола ётган жойида меҳмонлардан бирини олдига имлади ва Азизга қараб деди:

— Булар менинг ҳамкасбларим, муаллимлар. Бу эса, менинг куёвим, Азизжон!

— Жуда соз, — деди сочига оқ оралаган йигит, — ҳаммасидан хабардормиз. — Биз никоҳ базмини ўтказгани келдик. Қани, Адолатхон, келинлик либосингизни кийиб олинг. Хой, Шаҳлохон, келинни ясантинг-да, оппоқ қиз. Куёв тўра, сиз мен билан бу ёққа юринг. Олиб келган қўйингизни ўзингиз сўясизми ёки Ҳикмат ака... Хўш, мактаб ансамбли ҳозир келади. Ҳа, дарвоқе, Саид-олим, карнайчи Тўра билан ноғорачи Сафо чакакка хабар қилганмисиз?..

Норбуви холанинг кўзлари яна намланди. Бу — се-винч ёшлари эди..

### Зиёфат

**Х**удди шу дамда яна бир хонадонда базму жамшид авжида эди. Республикага донғи кетган хонадалардан бирини Пиримқул туғилган қунига атайлаб Тошкентдан таклиф қилган эди. Салкам ярим гектарлик ҳовли ёғ тушса ялагудек. Томга таралган ток хиёбони каттакон бинони ай-ланиб, яна кўк темир дарвозага келиб тақалади. Ҳовлида атиги биттагина чироқ яқин атрофни зўр-базўр ёритиб ту-рибди. Сиртдан қараган киши бу ерда зиёфат бўлаётганини



хаёлига ҳам келтирмасди. Ичкаридаги ўттиз-қирқ киши ўтирган хонанинг деразаларига эса, қалин пардалар тутилгани учун ташқарига хонанданинг овози ҳам чиқмасди.

Уйни бир жуфт қандил мунаввар қилиб турибди. Совутгичлардан қуйилаётган муздай ҳаво майдан чарчаган баданларга роҳат бахш этмоқда, уйнинг тўрида атлас кўрпача устида чўғдай бахмал ёстиқларга ёнбошлаб ётган Пиримқулни майин қўшиқ садоси симобдай эритмоқда. У кўзларини юмиб, куйга ҳамоҳанг бир маромда бош қимирлатади. Даврадагиларнинг чурқ этиб овоз очишга юраклари бетламайди. Фақат қўшиқ ниҳоясида “Яшанг”, “Офарин”, “Кам бўлманг” деган олқишлар ёғилади. Шундан кейингина хонага узун-қисқа бўлиб янги меҳмонлар кириб кела бошлайдилар.

Кўрпачага ястанган Пиримқул хўрознинг тожигига ўхшаган қонталаш юзларидаги терни артиб, қийиқ кўзлари билан остонада ҳурмат сақлаб турган янги келганларга бургутқараш қилади-да, одатдаги саволни такрорлайди:

— Ўрмонга ўт кетса-чи?...

— Хўлу қуруқ барабар! — жавоб беришади янги меҳмонлар. Бирдан қаҳқаҳа кўтарилади. Кулги тингач, Пиримқул шофёри Авазни чорлайди:

— Аканглардан совғаларни қабул қилиб ол, тойчоқ!

Мезбон келганлар билан бирма-бир ва узоқ ҳол-аҳвол сўрашади, сўнгра яна эшикка қараб баланд овозда сўрайди:

— Хой, ким бор?

— Мен, Аваз!

— Авазми? — сўрайди Пиримқул ва қаҳқаҳали кулгини ўзи бошлаб беради, бошқалар унга жўр бўлишади. Ўртада айланаётган чинни пиёлалар жаранги тингач, нозик ниҳол раққоса ялтироқ либосда чарх ура бошлайди. Шундай рўйирост кўриниб турган оппоқ, хипчабадан бусиз ҳам ароқдан қизиган вужудларни аланглатиб юборади, кўзлар



чақнайди, беихтиёр қўллар чўнтакларга югуради, “қистир-қистир” бошланади. Пиримқул бир томонидан ипга тизилган пулларни кўрпача тагидан олиб, даст ўрнидан туради-да, раққосанинг бошига дўппи қилиб кийгизиб, бир томонини орқасига кокила қилиб тушириб ҳам қўяди. Яна ён чўнтагини кавлаб, битта “кўки”дан олиб хонандага қистиради. Яна “Қойил”, “Барака топинг”, “Дард кўрманг” қабилдаги хитоблар янграйди. Лекин бу олқишлар энди раққоса шаънига айтиляптими ёки сахий мезбонга аталганми пайқаш қийин эди...

### Сир

**К**елинг, яхшиси, муҳтарам ўқувчи, шу даврани бир зумгина тарк этиб, соф ҳаводан нафас олгани ташқарига — ўчоқбошига чиқайлигу шофёр Аваз билан Пиримқулнинг тоғаси Самад ака ўртасидаги суҳбатга қулоқ солайлик.

— Совғаларнинг ичида ўзимники зўр бўлди-ёв. “Сервиз” ручка, совға қилдим, — мақтанди Самад ака.

— Гапингизни қарангу сизнинг совғангиз анавуларнинг ботинкаларига чарм ҳам бўлмайди, амак!

— Йўғ-е?

— Ана шунақасиз-да! Ишонмайсиз. Агар билсангиз, жиянингиз туғилган кун баҳона, шу бугуннинг ўзида мўмайгина пул тўплаб олдилар. Хўжайиннинг ақлига қойил қолмай иложингиз йўқ.

— Шунақами? Аммо, лекин Авазжон ука, шу десангиз, ўша аскиясига бир оз тушунмайроқ турибман-да. Ҳеч бир кулгили жойи йўқ-ку? Ха-ха-ха қилишади.

— Э, акажоним, сиз нимани ҳам тушунардингиз? Ҳамма сир ана шу аскияда-да! Хўжайиннинг “ўрмонга ўт кетса-чи”, деб сўраганлари пакетда келтирилган мева-чева-лар ичида “қуруғи”дан, яъни пулдан ҳам борми, деганлари бўлади. Меҳмонларнинг “ҳўлу қуруқ баробар” деб жавоб қилганлари эса, “ташвиш тортманг, акахон, ҳўлидан ҳам,





қуруғидан ҳам олиб келганмиз” деганлари. Тушундингизми? Тоғаси бўлганингиз учун айтяпман бу сирни. Тағин гуллаб қўйманг.

— А, гап бу ёқда денг?

— Шунақа. Э, ҳа, яна бир гап эсдан чиқай депти. Хўжайин “Хой, ким бор?” деб чақирганларида “Мен, Аваз”, деб жавоб қиламан. Бу парол: “хўжайин, бемалол айшингизни сураверинг, келган одам қуруғидан ҳам чўзибди”, деганим бўлади. Агар хонага индамай кириб келсам, у киши дарров тушунадилар, демак, кимдир қуруқ келибди. Мендан кимлигини аниқлаб, эртаси кунни мажлисда бирор баҳона топиб, қўпчилик олдида роса пўстагини қоқадилар. Шунда ҳам “ақли” кирмаса, думини туғиб қўяқоладилар. Энди фаҳмига етгандирсиз?

— Ҳм, мен қаёқдан билай? Ишқилиб, бир кунмас-бир кун хўлу қуруқ аралаш ҳаммаларинг баб-баравар ёниб кетмасаларинг бўлди-да.

— Туф-туф-е, нафасингизга ўт тушсин! Бунча ҳам аскиянгиз совуқ! Тоға эмиш тағин.

— Хой, қўшоёқ, хўжайинингга айтиб қўй. Агар нафсини тиймаса, ўрни келганда адолат юзасидан мен ўзим унинг пўстагини қоқаман.

Самад ака шундай деди-ю, шартта ўрнидан туриб, жаҳл билан ташқарига отилди.

— Оббо амакижон-ей, тўхтанг, қаёққа? Ҳазиллашдим. Ҳазилниям тушунмайди бу киши.

Аммо сирни очиб қўйганидан ваҳимага тушиб қолган Аваз Самад аканинг дарвоза олдида етганда “Ҳазилнинг тагини зил дейдилар” деган пичингини эшитмади. Бунинг устига у шу тобда ичкаридан Пиримқул билан Шерали чакчақлашиб чиқиб келишаётганини кўриб қолган эди. Аваз уларга пешвоз юрди. Аммо хўжайинининг “ишингдан қолма” деган ишорасини сезиб, яна ўчоқбошига бурилди.



Икки улфат ток остидаги кўрпача тўшалган ўриндиққа ўтиришди.

Пиримқул Шералининг юзидаги гамгинликни аввалига пайқамади, чуқур тин олгандан кейингина унинг қалбини нимадир эзаётганини сезиб, кулгига ёйилган оғзининг танобини тезда тортиб, жиддий сўради:

— Нима гап, қуда?

— Э, қудачилик барҳам топди энди хўжайин.

— Нечун?

— Ўғил ноқобил чиқди. Ўша муаллиманинг қизи унинг бошини айлантириб қўйибди. Бирга яшаяпти.

Пиримқул хандон отиб кулди:

— Шунга йиғлаб ўтирибсизми?

— Ахир, никоҳдан ҳам ўтиб олишибди-да!

— Нима бўпти? Ўтишаверсин!

— Қуда бўлмоқчи эдик, энди нима қилдим?

— Кўп азият чекаверманг! — Пиримқул суҳбатдошининг елкасига қўлини ташлади. — Ким айтади сизни Шер деб? Ҳалиям қуда бўламиз. Қизиқсиз-а, бугун қанду асал бўлишса, эртага бир-бировига пуф сассиқ!

— Нима маслаҳат берасиз? — ийманибгина сўради Шерали. У Пиримқулни яхши биларди: илоннинг ёғини ялаган одам. Ҳар қандай мушкулга ҳам кушод топа олади. Эўрлигидан катта бир туманни ўзининг “очил дастурхони”га айлантириб қўйибди, қани биров “ғинг” деб кўрсин-чи. Демак, гап шу: этагидан маҳкам ушла. Шер, кам бўлмайсан!

Пиримқулнинг сукут сақлаб турганини кўрган Шерали яна гап очди.

— Жуда бошим қотди!..

— Бошни авайланг, ҳали яхши кунларга яраб қолади, — деди хўжайин мийиғида кулиб, — маслаҳатим: келинни уйга олиб келинг!



— Нима? — ҳайратдан анграйиб қолди Шерали, — уйга дедингизми?

— Ҳа, чўрт кесди Пиримқул, — агар биз билан қуда бўлиш ниятида экансиз, ҳудди шундай қиласиз. Мен Азизнинг онасини яхши биламан, унча-мунча келин унинг дашномига дош бера олмайди!

— Сал тушунгандай бўлаяпман, — Шерали энди ўзига келди.

— Шу калла билан битта туманга сиғиб юрганингизга ҳайронман. Сизнинг ўрнингиз юқорида, — Шарқ томонга қўл чўзди Шерали, — пойтахтда...

Пиримқул хохолаб кулди. У бундай мақтовнинг гадоси эди. Буни яхши билган Шерали юзига жиддий тус бериб, яна сўзида давом этди:

— Энди сиз пир, мен муридингизман. Буюринг, бузрук!

— Буюраман: ўғилни ўзи хоҳлаган ўқишга, ТошМИ-гамиди, ҳа, ўшанга тайёрланг. Унгача йигитнинг ҳовури пасаяди. Тошкентда ўша сиз билан бизга мақбул тенгқури билан топишади. Яна сизга топшириқ, оғзингизга маҳкам бўлинг, шундай қилингки, ўғлингиз ўқишга сизнинг ёрдамнингиз билан кирганини зинҳор-базинҳор сезмасин, тушунарлими?

— Тушундим, бузрук!

— Ундай бўлса, мақсад — маълум, вазифа — аниқ, қани, ҳужумга муриди мукарамим!

Улар қўлтиқлашиб, энди ичкарига йўл олишганда дарвоза олдидан машина сигнали эшитилди. Орадан кўп ўтмай, оқ қоғозга ўралган алланимани кўтариб, бақалоқ бир йигит худди пиво бочкаси думалагандай шошиб кириб келди. Бу йигит туманнинг етакчи раҳбарларидан бири — Рустамбой эди. Пиримқул унинг етиб келишини кутмасданоқ, эшикдан бошини суқиб, ичкарига қараб бақирди:



— Қани, жўралар туғилган кун баҳона, бирор соат дам оволдик. Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, деб бекорга айтишмайди. Эртага ҳамма жой-жойида бўлсин!

Ичкаридан чиқиб келган меҳмонлар Пиримқул билан Рустамбой қучоқлашиб туришганининг гувоҳи бўлишди. Аммо уларнинг ҳаммаси бу икки калоннинг бировлар олдида ўпишиб, орқаваротдан бир-бирини тепишини яхши билишарди...

### Адоват

Почта қутисидан олган конвертнинг уёқ-буёғига разм солиб, Адолат ҳеч нимага тушунмади. Унда на мактуб юборувчининг, на хат олувчининг манзили бор эди. Адолат дугоналаримдан бири ҳазиллашган бўлса керак, деган хаёлга бориб, конвертни бамайлихотир очди. Лекин дўконларда ҳар хил ширинликлар ўраб бериладиган сарғиш қоғоздаги дастхатга кўзи тушди-ю, юраги бирдан тез-тез ура бошлади. Кўзларида севинч учқунлари чақнади, “дадажоним” дея, худди дадасини қучаётгандай мактубни ўпиб, бағрига босганича ичкарига отилди. Хат отасидан эди.

— Ойижон, хат, дадамдан хат келди!

Тест имтиҳонларига тайёрланиб ўтирган Азиз сакраб ўрнидан турди. Унинг қаршисида шодлигини кўксига сиғдира олмаётган рафиқаси ҳадеб ирғишлар, “дадамдан хат, дадамдан хат”, деган гапни тинмай такрорларди. Ундаги хурсандчилик Азизга ҳам, ҳамон шифтга тикилиб ётган онага ҳам кўчди. Шу тобда бутун оила чексиз бахт оғушида эди. Қаддини тикламоқчи бўлган бемор бирдан инграб юборди. Адолат ҳушчақчақлигини йиғиштириб қўйиб, қўлидаги мактуб билан онасининг олдида аста чўккалади. Азиз қайнонасининг бошини авайлабгина тиклаб қўйди.



— Ўқи, — деди она ҳаяжонини яширолмайд ва чуқур тин олди, — ўқийқол, болам!

“Жондан азиз, асалдан ширин қизим Адолат! Ушбу саломномани кўзи кўр, қулоғи қар бўлган савдони дадангдан деб билурсан. Авваламбор, хатим мазмунидан ойингнинг мутлақо беҳабар бўлишини жуда-жуда хоҳлардим. Унинг юраги ожиз, кўтара олмайди. Бисотимдаги мен учун энг азиз шу омонатимни авайлаб сақлашни сенга топширганман, онангни эҳтиёт қил, қизим!

Мен қаттиқ адашдим. Аммо шуни билиб қўйгинки, сен жиноятчининг қизи эмассан, Шернинг қутқуси билан савдога ўтиб, хато қилганимни кейин тушундим. Лекин унда кеч бўлган эди. Бир йилда машиналик, данғиллама участкалик бўласан, деганига лаққа шио-ниб, пахтазоримни ташлаб, омбор каламуши бўлиб ўтирибман-а! У ишга ўтишининг ҳам ўзи бўлмади. “Унга чўз, бунга чўз”, хуллас, иккита сизир билан қўйларни сотганимдан хабардорсан.

Ишни қабул қилиб олганимдан кейин Шер у йўғонга у керак, бу бошлиққа бу керак, деб омбордаги молларни ташиб кетаверди. Ўрнини қандай қоплайман десам, дўкондорларнинг зиммасига орт, деб қўяқоларди. Қайси бет билан дўкончига олмаган нарсани олгансан, дейман. Шер эса, икки йил ичида данғиллама уй қурди. “Волга”лик ҳам, “Мерседес”лик ҳам бўлиб олди. Мендаги камомад анча-мунчага етиб қолган эди. Тафтишдан кейин уйдаги қолган тўёқларни, мол-мулкни сотдим, қариндош-уруғларга зир югурдим, дўстларим қўллаб-қувватлашди, камомадни жойига қўйдим. Аммо тафтишчи Шернинг гапига кириб, мен тўғримдаги материалларни прокуратурага ошириб юборган экан. Афсуски, бунини сен билан ўзининг ўғли ўртасидаги муносабатни бузиш учун атайлаб қилганини вақтида фаҳмлай



олмабман. Бугун эса, сен шундай муттаҳамга келин бўлибсан.

Майли, Азиз ёмон йигит эмас, қўша қаринглар. Лекин, эсингда бўлсинки, Шернинг уйидаги ҳамма нарсада сенинг ҳам ҳаққинг бор, ҳеч нимадан ийманма. Еганичганинг, устингга кийганинг она сунтидек ҳалол сенга, қимтиниб юрма, болам.

Соғлиқ бўлса, тўрт-беш йил кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Бундан ташқари, Олий судга ариза берганман, иш бошқатдан қўрилиши керак. Балки, амнистияга тушиб қоларман. Балки, оқлашар. Яхши кунларда дийдор қўришайлик.

Отанг Омон”.

Падари бузрукворидан келган мактуб бундан атиги бир неча дақиқа олдин рўй берган уйдаги шодмонликни олов устига сув сепгандай сўндирди-қўйди. Куёвнинг вужуди ғазаб ўтида ёнар, Адолатнинг юзлари кўз ёшлари билан ювилган, она эса, ҳўнграб йиғлаб юборишдан чўчиб, лабини тишлаб олган, улар гўё оғир гуноҳ қилиб қўйган кишилардай бир-бирларига боқишдан ҳайиқишарди, ҳамма изтироб ва машъум хаёллар тўфонига кўмилиб қолганди. Бу зил-замбил жимликни аллакимнинг дўрилдоқ овози бузди:

— Ёлғон!

Адолат шоша-пиша кўз ёшларини артди. Она кўкрагига туф-туфлаб қўйди. Азиз эса, ялт этиб, орқасига ўгирилди. Ҳар хил емишлар тўла тўр қопчиқни ушлаган ҳолда осто-нада Шерали ака серрайиб турарди.

— Ҳаммаси бўҳтон, — яна тақрорлади Шерали. — Омонни мен қаматган эмасман!

— Бўлмаса ким? — Азиз дадасига тик боқди. — Ахир у камомадини жойига қўйган эди-ку?



— Бу ерда қонун даъвогар. Ўша мен айтган ўқишга — юристликка кира олганингда, ҳаммасига тушунардиг, каллаварам.

— Барибир айбдорсиз! — деди Азиз энди анча сушт товушда.

— Сиз бир ўқ билан икки қуённи урмоқчи бўлгансиз: аввало, Омон отамни қаматиб, бир кунмас-бир кун сиздан ўз ҳақини талаб қиладиган кишилардан қутилишни, қолаверса, мен билан бўлажак келинингиз ўртасига рахна солишни кўзлагансиз. Ниятингизга қисман етдингиз ҳам, лекин мени Адолатдан фақат ўлим жудо қилиши мумкин, эт билан тирноқни ажратиб бўлмайди-ку, дада!

— Майли, майли, айбдор ҳам бўлақолай, — деди Шерали кескин оҳангда, сўнгра бирдан мулоимлашиб, мунгли оҳангда онага мурожаат қилди: — Э, булар нимани ҳам тушунарни? Очигини айтсам, қуда, мен келиним билан ўғлимни олиб кетгани келгандим.

— Буларни ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман, — Азиз сакраб ўрнидан турди.

— Ҳай, ҳай, отага мунақа гапирманг ўғлим! — Она қаддини ростлай олмагани учун узр сўрагандай илтижоли нигоҳ билан Шералига қаради. — Ҳафа бўлманг, қуда, ҳали булар ғўр. Пишарсан, ўз аслингга тушарсан, деганлар. Албатта, боришади.

— Сиз ҳам юра қолинг, қуда?

Шу алфозда ётган онага “юра қолинг” деган сўз эриш туюлди.

— Мен учун ташвишланманг. Индинга укам билан келиним келишяпти. Ўшаларнинг қарамоғида бўламан. Фақат болалар онда-сонда келиб-кетиб юришса, бас!

— Ҳа, майли, ихтиёрингиз...

— Кечиринг-у, дада, мен уйга қайтмайман.



— Яна нима деяпти, бу аҳмоқ? — Шерали ўзини ушлай олмади, ўглининг юзига тарсаки тортиб юборганини билмай қолди. — Якка-ю ягона ўғлим десам, топган-тутганимни унга сарфласам, бу эса... Э, ҳароми! У ёқда онаси кўрпа-тўшак қилиб ётибди, бу ярамас хотиннинг пинжидан чиқмаса! Ҳе, сенга ўхшаган ўғилнинг боридан йўғи...

Шундай деди-ю, ота қўлидаги тўр қопчикни ўглининг оёғи остига итқитиб, эшикни қарсиллатиб ёпганча чиқиб кетди.

— Яхши бўлмади, болам, — деди она ўртадаги жимликни бузиб. — Ҳар қалай отангиз. Бунинг устига онаизор ҳам бетоб эканлар...

Адолатнинг ялиниб-ёлворишларидан кейингина Азиз ота-онаси билан туришга рози бўлди.

### Эътиқод

**К**аттакон кўп қаватли бинодан чиқиб келган икки киши машинага ўтириши билан яп-янги “Волга” жойидан қўзғалди. Шу пайт салондаги рация чийиллаб қолди. Одил Раҳимович шофёрга мурожаат қилди:

— Қани, трубкани беринг-чи! — микрофондан котиба қизнинг ҳамма раҳбарларга таниш майин овози рўйирост эшитилиб турарди:

— Қаердасиз, Одил ака, сизни катта сўраяптилар. Жавоб беринг Одил Раҳимович, сизни хўжайин йўқлаяптилар!

Одил дастанинг мурватини босди:

— Мен Тешабоевман. Нима гап, Гулнорахон?

— Сизни йўқотиб қўйдик, Одил ака. — Гулнора энди хурсанд оҳангда гапирди. — Ҳозир Пиримқул ака билан улайман.

— Уланг!.. Эшитаман, Пиримқул Болтабоевич!

— Қаерларда дайдиб юрибсиз?

— Ҳисобот топширгани вилоятга келувдим.





— Инсофингиз борми ўзи? Сиздан сўраяпман, қачонгача ҳаммани лақиллатиб юрасиз, ишлашни хоҳламасангиз...

— Ярим соатда етиб бораман, Пиримқул Бол...

Одилнинг гапи оғзида қолди. Чунки иккинчи томон зарда билан телефон дастагини аллақачон жойига ташлаган эди. Одил хижолат чекиб, шериги томон ўгирилди:

— Ана шунақа-да, Самад ака!

— Жуда қопагон, сўконғич чиқиб қолди-ку, бизнинг жиян, қандай чидаб юрибсизлар?

— Э, “отингни олса қози, кимга қилурсан тавозе” деган нақлни эшитмаганмисиз? Чириб кетгур ўша илдиз бақувватда, бу бақироқ туяда! Қайси бир йиғилишда фаоллар бошлаб адабини бериб қўйишувди. У кишининг ўзлари келиб кафолатга олдилар. Унинг ҳурмати юзасидан яна Пиримқул ўз лавозимида қолди. Ўшандан буён совуқроқ ел сағал ялаб ўтса ҳам дарров ё телефонга ёпишадилар, ё Тошкентга қараб “танкаси” томон югурадилар.

— Ҳа, — деди Самад ака афсусланиб, — ана шунга ўхшаган битта-иккита подабузарнинг касрига вилоятда ҳаммамизнинг юзимиз шувут. Қайси ношуд билан гаплашмангки, ё тоғаси, ё жияни, ёки амма-амакисининг ўғилқизи бўлиб чиқади. Ўзиям роса серуруғ эканми, яна худога сиғингандек сиғинишади-я, унга.

— Кучсиз кишилар ўзи шунақа: бировга сиғинмасдан яшай олмайдилар!

— Балли, ҳақ гапни айтдингиз, ука. Мана, мен оддий бир тракторчиман, ҳайрон бўлмангу мен ҳам сиғинаман!

— Йўғ-е, — кулди Одил Раҳимович, — ахир сизни Самад шартаки дейишади-ку!

— Аввало, сиғиниш асл маънода ишониш демақдир. Бунинг мансабдор шахсга кўр-кўрона сиғинишдан фарқи бор, албатта. Ука, менинг дорилфунуним — ҳаёт. Ватанимга, халқимга, Президентимизга, ўз онамга, дўстимга



ишонгандай ишонаман, суянаман, сиғинаман! Меҳрибон ота каби халқнинг бошини силаган Юртбошимиз кези келганда ҳаддан ошганларни боплаб савалашни ҳам билдилар. Мана яқинда бир катта йиғилишда оёғи ердан узилиб қолган раҳбарларни бопладилар. Буларга ҳам гал келиб қолар, ука. Машина чорраҳага келиб тўхтаганда Самад ака хайрлашиш учун қўл чўзди:

— Бўшашманг, юқорига чиқинг, ука. Адолат бор бу дунёда. Агар қўрқсангиз, мана, майдонга биз тушамиз. Тортиб оладиган амалим йўқ. Тракторимни эса, ҳеч қачон ҳеч кимга бермайман! Хайр, омон бўлинг, Одилжон!

— Қизиқ, — ўйлади Одил Раҳимович, тоға-жиян ўртасида бир олам фарқ бор! Ўзи хўжаликнинг бир оддий ишчиси-ю, ҳақиқат, адолат йўлида ҳеч нимадан, ҳатто ўз жиянига қақшатқич зарба беришдан ҳам қайтмайди. Мана, ҳақиқий инсон, ҳақиқий эътиқод! Сен эса, яккаланиб қолишдан чўчиб юрибсан, қўрқоқлик ҳам эви билан-да, жаноб Тешабоев!

Ана шу хаёллар билан у иккинчи қаватга кўтарилганини пайқамай қолди. Гулнора “кирақолинг, кутяптилар”, деганидан кейингина ўзига келди. Хотиржамлик билан плашчини ечиб, илгичга илди-да, Пиримқул Болтабоевичнинг эшигини очди.

Ичкарида қорачадан келган хўппа семиз бир йигит “катта”нинг олдида бош эгиб турар, костюми ичидан юрагини эзфилаётганлигидан ва рангининг ўзгариб кетганлигидан унинг юрак касалига чалинган киши эканлиги яққол сезилиб турарди. Бу — туман газетаси мухбири Ҳабибулло Бўронбоев эди.

Одилжон кириши билан Пиримқул унга газетани итқитди:

— Ўқинг! Мана, мухбирингиз нималар билан шуғулланиб юрганини сиз ҳам билиб қўйинг!



Газетада очерк эълон қилинган бўлиб, гап асосан Пиримқулнинг тоғаси — Самад ака ҳақида борарди.

Яхши ёзилибди!.. Менга ёқди, — деди муҳаррир қатъий.

— Э, мен сендан қандай ёзилганини сўраётганим йўқ! — гапни чўрт кесди Пиримқул. — Гап ким ҳақида ёзилганида!

— Нима бўпти? — атайлаб ўсмоқчилади Одилжон. — Ўзингизнинг тоғангиз-ку...

Пиримқул заҳарханда кулди...

— Ҳм! Тоға эмиш! Тоға эмас, бир қоп ғавфо бу! Устимдан арз қилиб вилоят ҳокимига борибди. Яхшиямки, салом-алик бор, ошна-оғайнилар бор, ўшалар ўлмасин! Оқизмай-томизмай етказишди.

— Қариндош бўлгач, баъзан эркалик ҳам қиладида, — Пиримқул акага яна пичинг қилди Одилжон. Аммо, “катта” буни тушунмади. Тўғрироғи, гап оҳангига эътибор бермади. Жаҳл келганда ақл кетади, деганлари шу экан-да! Пиримқул қаерда ўтирганини унутган, атрофидагиларнинг ўз таъбири билан айтганда, “қайсар” кишилардан эканлигини билса ҳам аллақачон дил дафттарини варақлашга киришиб кетганди:

— Бунақа қариндошдан етти ёт бегона афзал. Мана, амакиларим, жиянларим, холаларимни қариндош деса бўлади, чизган чизигимдан чиқишмайди. Бу эса... Тавба, ўзи бир тракторчи-ю, нуқул ақл ўргатгани-ўргатган. Сенга ўхшаганлар камми? Биламан, Рустам томонга оғиб кетган бу!

— Рустам Асадовични ҳам ишга ўзингиз таклиф қилгансиз, — қақиб гапирди муҳаррир. — Очеркка келсак, унинг қаҳрамони тажрибали деҳқон, ажойиб, намунали инсон. Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан у киши орден билан тақдирланди. Буни ўзингиз яхши биласиз...



— Эсиз орден! Тагин донгдор деҳқон эмиш! Мана бу мақолани кўринг, на маъно бор, на маслак. Мухбирингиз пахтанинг “П” ҳарфини билмайди-ку, яна пахта ҳақида оғиз кўпиртириб ёзишига бало борми?

— Сиз эса раҳбарликнинг “Р” ҳарфига ҳам тушунмайсиз!

— Ҳе, менга қара, муҳаррир бола, — астойдил сенсирашга кўчди Пиримқул, — бирга ишлашимизни хоҳлайсанми ўзи? Агар ниятинг бошқа бўлса, очигини айт-тавер. Ёки сен ҳам Рустамбойнинг ногорасига ўйнайдиган бўлиб қолдингми?

— Кесатманг, — Одил Раҳимовичнинг юзига қон тепди, — ярим соатдан буён сизни эмас, шу улуғ даргоҳни, ҳокимликни ҳурмат қилганим учун тишимни тишимга қўйиб турибман. Юрагим ночорлигини биласиз, мунча захрингизни сочмасангиз?! Арпангизни хом ўрганим йўқ чоғи.

— Э, сендақаларни жин урмайди!..

— Нима? Сиз ҳали мени мунофиқ ҳам демоқчимисиз? Афсуски, одамлар ҳақиқий башарангизни ҳали кўришгани йўқ. Ниқобингиз йиртилиб қолар, ахир? Кўза кунда эмас, кунда синади. Ана ўшанда сизга “салом” берамиз!

— Йўқол! — ўшқирди Пиримқул. — Рустамнинг ювиндихўри! Сиз, Шокир Мусаевич, муҳаррир масаласи билан шуғулланинг! — ҳоким муовинига буюрди у.

Одил Раҳимович юрагининг алақаери чирсиллаб кетганини сезди, оғриқнинг зўрига зўрға дош бериб, деворни ушлаганча аста-секин ташқари томон юрди. Қабулхонада кутиб турган шофёр шоша-пиша унинг қўлтиғига кириб, пастга — биринчи қаватга олиб тушди-да, гулзорнинг чеккасига ўрнатилган ўриндиқлардан бирига омонатгина ўтқазди. Шу дам бино олдидаги йўл чеккасига оқ “Волга” келиб тўхтади. Машина эшигини кибр билан очиб тушган Рустам Асадович истеҳзоли оҳангда мурожаат қилди:



— Ҳа, шоир, тоғасини мақтаганингиз учун Пиримқулдан олган мукофотингизни кўтаролмай чўккалаб қолдингизми?

Аммо у муҳаррир Тешабоевнинг “Бас, озроқ раҳм қилинлар” деган маънодаги нигоҳига эътибор бермай, гердайганча туман ҳокимлиги биносига кириб кетди. Бу ҳодисалар шу қадар тез бўлиб ўтдики, шу пайтгача оддий томошабин бўлиб турган мухбир — Ҳабибуллодек босиқ киши ҳам ортиқ чидай олмади.

— Лаънатилар, — деди у, бисотидаги энг оғир сўкишни оғзига олиб, — яна бир пок одамнинг бошини едиларинг.

Дарҳақиқат, эртасига шоир ва журналист Одил Тешабоев бевақт вафот этганлиги ҳақидаги хунук хабар тарқалди...

### Уйга ўт кетди

**Б**ирров кириб ўтай, деб келган Фेरюза Аҳадовна тўполоннинг устидан чиқиб қолди. Аслида у Адолат билан учрашмоқчи, ҳадеб онасиникига кетиб қолаётганини эшитгани учун ёш келинчакка панд-насиҳат қилиб қўймоқчи эди.

Оддий комбайнчи бўлган қишлоқ қизи Фेरюза ўқишни битиргач, бош ветврач бўлди, ҳозир эса, хўжаликка раҳбар этиб тайинланганди. У ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп тотиган, шахсий ҳаётда омади юришмаган, эри бевафолик қилиб, бошқа биров билан кетиб қолган бўлса-да, кейинчалик турмуш қурмай, умрини ўғилларининг тарбиясига, эл-юрт хизматига бахш этган фидокор аёллардан бири эди. Ҳамма, айниқса, ёшлар уни сидқидилдан ҳурмат қилишар, энг нозик сир-асрорларини ҳам “ўзларининг Фेरюза опалари”га тап тортмай айтишаверар, ундан маслаҳатлар сўрашарди.

Ёши элликлардан ошган, тўлагина, бугдойранг Фेरюза Аҳадовна Адолат билан ҳам “сирдош” эди. Унинг



Азиз билан қовушишига сабабчи бўлгани учун Феруза опа ўзини бу икки ёш тақдирига жавобгардай ҳис қиларди. Адолатнинг бирор ножўя хатти-ҳаракат қилмаслигига ишонса-да, дилининг бир чеккасида пайдо бўлган кичкинагина шубҳани тарқатиш учун атайлаб бугун Шералининг хонадонига ташриф буюрган эди. Аммо у ичкарига қадам қўйди-ю, даҳшатли манзарани кўриб, бусиз ҳам йирик кўзлари баттар катталашиб кетди. Кенг уйнинг деразалари очиқ бўлишига қарамасдан, ҳали тутун тарқалмаган, аччиқ дуд томоққа ёпишиб, кўнгилни беҳузур қилар, йўталтирар, хона ўртасида чала куйган атлас, баҳмал кўрпа-тўшақлар, ёстиғу гиламлар айқаш-уйқаш бўлиб ётарди.

Тўрдаги бурчакда Адолат гужанак бўлиб ўтирибди, унинг сочлари тўзиган, юзлари тимдаланган, кўзларида алам ва нафрат излари қотиб қолган эди.

— Нима гап ўзи? — сўради Феруза Аҳадовна. — Уйга ўт тушдимиз?

— Анави манжалақи ўт қўйди! — деди қайнона шанғилаб. — Хонадонимизга келин эмас, илон кириб келган экан.

— Ўзинг илон! — деди Адолат ва кимнингдир шапалоқ тортиб юборишидан чўчигандай нозик қўллари билан юзини беркитиб олди. У ҳали Феруза Аҳадовнанинг кириб келганини пайқамаганди. Бир чеккада ҳамма нарсага бепарво ҳолатда кўзойнагини рўмолчаси билан артиб турган врач лоқайдлик билан сўради:

— Нега ўт қўйдинг, қизим?

— Куйдираман, ёндираман, ўт қўяман бу хонадонга!

— Нега?

— Айтдим-ку ахир! Бу нарсаларнинг ҳаммаси дадамники, яъни меники! Нимани хоҳласам шуни қиламан!

— Нега дадангники бўларкан? — ниҳоят тилга кирди Шерали. — Ҳаммасини ўз пешона терим билан топганман!



— Топиб бўйсиз, — бўш келмади Адолат. — Барини дадамдан ўғирлагансиз. Дадам шундай деб ёзганлар.

Ичкаридан чақалоқнинг йиғиси эшитилди.

— Ҳой, болангга қарасанг-чи, — бақирди қайнона. Адолат бошини кўтармай жавоб қилди:

— Ҳаромидан бўлган ҳароми ўзларингга буюрсин. Менга кераги йўқ!

Қайнона тўнғилаганча қўшни хонага кириб кетди, ҳанузгача ҳайратдан карахт бўлиб турган Феруза Аҳадовна врачга яқинлашди:

— Айтинг-чи, доктор, нима, мияси айниб қолганми?

— Ҳа, психогипотимия!

— Нима дедингиз? — қайта сўради Феруза опа.

— Ақлдан озган, — Феруза Аҳадовнанинг қулоғига пичирлади доктор, — тезда шифохонага ётқизиш керак. Акс ҳолда, ҳали ўзи айтди-ку, уйнинг қулини қўкка со-  
вуриши ҳеч гапмас.

— Ҳа, ҳа, — паст овоз билан шошиб гапирди Шерали, — жон доктор, тезроқ олиб кетинг бунини!

— Бечора қиз, — деди Феруза Аҳадовна юракдан ачиниб ва эшик томон кетар экан, беихтиёр оёғи остида сочилиб ётган конвертларни териб олди. — Шундай хушсурат малакнинг миясини туман босса-я?! Нега шундай бўлди? Азиз эшитсами? Роса куйинади-да, болапақир.

Феруза Аҳадовна ташқарига чиқди ҳамки, ҳамон хаёллари Адолат билан банд эди... “Ҳм-м, нега шундай бўлди экан-а? Қайнонанинг келинга рўйхуши йўқлигини билардим. Наҳотки, қайнонанинг зуғумига дош беролмай... Йўқ, йўқ. Адолат иродали қиз. Тўхта-чи, ҳали у юзларини қўллари билан бекитгандай бўлувдими? Балки, дўппослашгандир? Тағин ҳаммаёғи тимдаланган. Йўқ, бу аҳволда қолдириб бўлмайди, дарҳол Пиримқулга айтиб, бирор чорасини топиш керак”.



Феруза Аҳадовна шофёрига рухсат берганидан афсусланиб, пиёда кетди. Аммо идора ёнбошидаги хиёбонга етганида, у ёқда узоқ туриб қолганлигиданми, ҳарқалай, ўзини жуда беҳол сеза бошлади. Ниҳоят, шу атрофдаги ўриндиқлардан бирига астагина чўкди. Атроф жимжит. Иш пайти бўлгани учун теварак атрофда ҳеч ким кўринмайди. Лекин бу сокинлик Феруза Аҳадовнага заррача таъсир қилмас, аксинча, мияси тегирмон тошидай бетиним ғувиллар, хаёлида бир савол ҳадеб такрорланарди: нима бўлди ўзи?..

### Фарёд

**В**оқеа аслида бундай бўлганди...

Ниҳоят, Адолатни кўндиришди. Ўша куни хўжаликда қолиб ишлашга қарор қилган тенгдошлари уни ўртага олишди.

— Ойингни ёлғизлатиб қўймаймиз, Адол, — деди дугоналаридан бири, — бемалол кетавер.

— Ҳа, ҳа, — унинг фикрига қўшилди тоғаси. — Мана, биз ҳам шу ердамиз. Биласан, анчадан буён ойингга янганг қараб турибди. Опам ҳам энди ўзларини бирмунча яхши хис қиляптилар. Шундай экан, жиян, бор, Азиз билан бирга кет, ўқи!

Она ҳам оқ йўл тилаб, юзига фотиҳа тортди. Бироқ қайнонани кўндириш осон бўлмади.

— Вой-ей, — фарёд чекди у, — қиз боқдим-а, аҳмоққа бердим, ўғил боқдим пахмоққа бердим. Бу не кўргулик эди менга? Келин тушириб бошқалардай энди оёқ чўзиб ўтираманми, десам, пахмоқ ўлгур эрига дум бўлиб олибдилар. Бекорга сочини қирқтириб, жингалак қилмаган экан. Шаҳарликларга ўхшай деган-да, жувонмарг!

Қайнонанинг “аҳмоқ” дея ароқхўр ўғилга, “пахмоқ” дея ўқишга кетишга жазм қилган келинга шаъма қилаётганига ҳатто ўғлини жўнатиш маросимига ёрдамга чақирилган





қўшнилар ҳам аллақачон тушунишиб, бир-бирларига ер остидан қош учуриб, лаб буриб қўйишаётгани Адолатга жуда оғир ботди. Қайнона эса, тиним билмай, ҳамон жаврарди.

Қайнота кирди:

— Ўчир овозингни!.. Она қизим, ойингиздан ҳафа бўлманг, касалманд. Қарайдиган одам йўқ. Мен эса, иш билан бўлиб, унга вақт ажратолмаяпман. Фарзанд туғилгач, диплом сандиққа тушади. Бундан не фойда? Мана, ойингиздан қиёс. Энтимолог. Капалакни кўрсат десангиз, ниначини ушлайди. Ҳали шу пайтгача дала бетини кўргани йўқ.

Суяги савдода қотган Шералининг аёлларга беписанд қарашини, ўзи амал-тақал қилиб бир пайтлари базўр техникумни битиргани учун хотинига нуқул “ўқиб-ўқиб, ниҳоят уйдаги ошхонани эгалладинг”, дея пичинг қилиб юришини Адолат билмас эди. Қайнотанинг юмшоқ супурги бўлиб қолганининг яна бир сабаби шунда эдики, у Пиримқул билан қуда бўлишдек ниятидан ҳали ҳам қайтмаганди. Агар Адолат ўқишга киргудай бўлса, бутун орзулари чиппакка чиқади. Демак, оёғига йиқилиб бўлса-да, келинпошшани Тошкентга бормасликка кўндириши керак.

Кўндиришди. Лекин шарти шуки, ишга киради, уй юмушларини ҳам бажаради, қайнонасига ҳам қарайди. Рози бўлишди. Азиз тантана билан жўнаб кетган куннинг эртасига Адолат туман судига котиба бўлиб ишга жойлашди.

Меҳнат... Одамлар орасида юриш, оддийгина бўлса-да, хизматинг билан кишиларга нафинг тегаётганини ҳис қилиб туриш нақадар завқли. Адолат жуда меҳрибон бўлиб қолган. Ора-сира онасидан хабар олар, вақт топиб тиббиёт институтига кирган Азизни кўриб қайтарди. Шу алфозда ўтган бир йил давомида Азизнинг ўзи ҳам қишлоққа бир



неча мартаба келиб кетди. Азиз келган кунлари оилада чинакам байрам бўлар эди. Аммо қайнона билан қайнота ўша-ўша бадқовоқлигича қолишди. Уларнинг дилларидаги тугунни энди куладиган бўлиб қолган неваранинг ёқимтой қилиқлари ҳам, Азизнинг ёлворишлари ҳам, келиннинг хурмат-эҳтиромлари ҳам еча олмасди. Буни эр-хотин шундай талқин қилишарди: Азизни кўриш баҳонасида ўғли билан Тошкентга жўнаган Адолат бир ой деганда қайтди. Қайтиб, суюна-суюна талабалик гувоҳномасини кўрсатди: ҳуқуқшунослик институтига сиртдан ўқишга кирибди.

— Ўқиб шаҳар олиб берармидингиз? — тўнғиллади қайнона. — Ёки дадангизнинг топгани етмайдимизизга?

— Ойижон, ўқисам ёмонми? — кўрсликни майинлик билан енгилди келин. — Прокурор бўламан, ёмонларнинг додини бераман! Қонун устуворлигини таъминлашга, ҳуқуқий демократик давлат қуришга кўмаклашаман. Биз фидойи ёшларнинг мақсади шундай. Бундан ташқари, ўзимнинг маошим кўпаяди. Мана, ишлаб, ўғлингизга ёрдам қилиб турибман-ку.

— Сизнинг ёрдамингизга мухтожмас ёлғизим! Худога шукур, отаси холидан хабар олаяпти.

Адолат кулди:

— Мен юборган пул Азизга азизроқ! — шундай деди-ю, балога қолди. Уйда яна жанжал, яна тўполон. Қайнона Адолатни итдай талади. Келин эса, ўғлини бағрига босиб, яна онасиникига кетди. Эл-юрт таънасидадан чўчиган Шерали куда холанинг оёғига бош уриб, тагин келинини уйига олиб келди. Лекин қайнонанинг оғзи “қулфлангани” билан қовоғидан қор эримади.

Кунлар, ойлар шу зайлда ўтаверди...

Бир кун (ўша кунга лаънатлар бўлсин) тушликка уйига келган Адолат остонада хатлаб ўтган эди ҳамки, оёғи остида ётган конвертга кўзи тушди. Кўтариб уёқ-



буёғига қаради: нотаниш дастхат, лекин унга аталган. Ўғлимни эмизгач, ўқийман деган хаёлга борди, аммо сабри чидамади, ҳовлидаги каттакон сада тагига ўрнатилган сўрига омонат ўтириб, конвертни очди. Адолат хатни конвертдан суғуриб олаётганида унинг ичидан бир сурат пастга — оёғи остига тушди. Суратга қаради-ю, бутун вужуди ўт бўлиб ёна бошлади, кўзлари хиралашди, юраги бутун дунёни ларзага келтириб дукурлаётганга ўхшарди. Жисмини эса, жон тарк этаётгандек эди. Ҳолсизланиб, сўри суянчиғини ушлаганча пастга энгашди. Ерда ётган суратда бахтиёр чеҳралардаги икки жуфт чақноқ кўз унга тикилиб турарди. Эвоҳ, буларнинг бири Азиз, иккинчиси эса... Пиримқулнинг пединститутда ўқиётган қизи Саодат эди.

Адолат шу кўйи қанча ўтирганини билмайди, рашк юрагини тимдалар, кўнгли йиғлар, фарёд чекар эди-ю, ҳайрат ва аламдан қотиб қолган ғазабнок кўзларида нам йўқ эди. У қарама-қарши хаёллар гирдобида қўлида ҳамон ушлаб турган тўрт буклоғлик хатга эътиборсизгина қаради ва турткидан чўчиган кишидай бирдан ўзига келиб, шошапиша мактубни ўқишга тутинди:

*“Азиз дугонам, гарчи аччиқ бўлса-да, очиқ ҳақиқатни билганингиз маъқул. Мен Азизнинг курсдошиман, ҳозир унинг сиздан кўнгли совиган, сиз тер тўкиб, топиб юборган пулларингиз ҳисобига Саодат исмли бир қизни ресторанма-ресторан етаклаб юрибди. Ушбу суратни менга вақтинча берган конспектининг ичидан тасодифан топиб олдим. Дугонагинам, бундайлар сизнинг кўз ёшларингизга, сочингизнинг биттагина толасига, ўғлингизнинг тирноғига арзимамайди. У машғум хонадонни тарк этинг. Азиздан кўнгили узинг. У энди сизга вафодор эр бўлолмайди.*

*Ҳамдардингиз Дилафруз”.*



Жаҳл... У тугён урганда кўз — кўр, ақл — сўниқ, фикр — тумтароқ бўлади. Адолат шитоб билан ўрнидан турди, оёғи остидаги суратни олиб, мактубга ўради-да, конвертнинг ичига солди ва бутун аламини ундан олмоқчи бўлгандай, бор кучи билан шундай гижимладики, ҳатто бармоқлари қирсиллаб кетди. У телба бир ҳолатда, орқасидан аллаким қуваётган каби ўқдай ўзини ичкарига отди.

Ичкарида алланималарнинг шарақлаб сингани эшитилди. Бир зумдан сўнг Адолат асабий ҳолатда ташқарида пайдо бўлди. У энтикканича ҳовли тўридаги гаражга кириб кетиб, челак билан чиқди-да, яна ичкарига ўзини урди. Ҳозир уни жаҳл жиловлаб олган, нима қилаётганини ўзи ҳам билмас, лаблари тинмай: “шунинг учун хат ёзмай қўйган экан-да, келмаётганининг сабаби шу экан-да”, дея пичирлаб, битта мақсад билан у ёқдан-бу ёққа елиб югурар, шу данғиллама участкага — мухташам бинога ўт қўйса-ю, унинг оловида ўзи ҳам куйиб кетса... Шу ҳақда ўйларди у...

Яхшиямки, Шерали вақтида етиб келди. Аллақандай бадбўй ҳидни сезган қайнота югуриб меҳмонхонага кирди. Адолатнинг қўлидаги эндигина чақилган гугуртни зарб билан уриб юборди. Гугурт қутиси тахмондаги кўрпача-тўшаклар устига тушди, сепилган бензин бир зумда ловуллаб ёна бошлади. Лекин Шерали шошилиб қолмади. Дарҳол кўрпаларни ағанатиб, улар билан энди авж олаётган оловни ўчирди. Хавф бартараф этилди. Аммо хона тутунга тўлган эди. Шу пайт додлаганча қайнона кириб келди. У семиз, гавдасига ярашмайдиган тезкорлик билан деразаларни очди-да, атрофга олазарак бўлиб қаради. Бирдан уйнинг бурчагига қараб югурди, гилам тагидаги полнинг тахтасини кўтариб, қалтираган қўллари билан қора чамадонни олди. Уни худди ёш боладек авайлаб жойига қўйиб, бир бурчакда уст-боши бензиндан шалаббо



ҳолда дир-дир титраб турган келинига чанг солиб, юзларини тимдалаб, сочларини юла бошлади...

Бу воқеа нима билан тугаганини муҳтарам ўқувчи яхши билади: Адолатни руҳий касалликлар шифохонасига олиб кетишди...

### Беҳаё

**Д**арвоқе, Феруза Аҳадовнанинг ҳоли не кечди экан? Ахир, биз уни ўша хиёбонда ёлғиз қолдирган эдик-ку? Ҳа, мана у, ҳамон хаёллар оғушида ўтирибди. Аҳён-аҳёнда чуқур уф тортиб қўяди. Ҳаво тафтиданми ёки ҳадеб ўй суришданми, чеҳраси қизарган, юзларини тер босган, кўзлари негадир маъюс.

У шитоб билан ўрнидан турди, нимчасининг чўнтагига қўл суққан эди, рўмолча билан бирга аллақандай хатлар қўлига илинди. Юз терларини артар экан, ҳайрон бўлиб қўлидаги конвертга қаради. Э ҳа, булар Азизнинг мактублари-ку? Беихтиёр яна кўча ўриндигига ўтирди. Гарчи, қулоқлари остида аллакимнинг: “Бировнинг хатини ўқиш мумкин эмас”, деган овоз эшитилаётгандай бўлса-да, кўзойнагини астагина қулоқларига илди.

*“Жонгинам Адолат”, — деб бошланар эди биринчи мактуб, — сени, ўғлимни жуда соғиндим. Биламан, сенга жуда оғир, ишлаб менга ёрдам қиляпсан, уй юмушлари, ойимнинг хархашаси, бунинг устига ўғлимизнинг тарбияси — ҳаммасига тушунаман. Чиндан ҳам, сенга оғир, жоним. Лекин сабр қил. Кўпи кетиб, ози қолди. Ҳадемай диплом билан қишлоққа қайтаман. Қарабсанки, камина доктор, хирург, ўзлари эса, юрист. Очиғини ёз: сиртдан ўқиш оғир-а? Қийналяпсанми, майли, ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади.*

Ҳа, айтгандай, Пиримқул аканинг қизи Саодат эсингдами, юзи сутга чайиб олингандай оппоқ, дўндиқчи? Пединститутда ўқир экан. Қайси куни факультете-



тимизнинг ёшлар кечасида мени тансага таклиф қилди у. Ҳар қалай, қиз бола. Йўқ дея олмадим.

Сени севаман, Адолат. Ўзингни эҳтиёт қил.  
Сенинг Азизинг”.

Феруза Аҳадовна гўё бирор шум хабарни билишдан чўчигандай қўрқа-писа иккинчи хатни очди.

“Қишлоққа боролмаётганимга ўқинма, жоним, — деб ёзибди бу мактубда Азиз. — Имтиҳонларга — сессияга тайёрланыпман. Бунинг устига иккита асосий фандан “қарзим” бор. Тагин Пиримқул ака келдилар. Саодат билан икковимизни кинога олиб тушдилар. Ҳинд фильмини кўрдик. Кейин ресторанга кирдик, роса зўр экан, мириқиб овқатландик. Жиччагина коньяк ичдим. Саодат ҳам бир-икки хўплаган бўлди. Пиримқул ака бир менга, бир Саодатга тикилиб: “Узукка кўз қўйгандай бир-бирларингга жуда муносибсизлар-да”, дедилар. Саодат қизарди, аммо ўзини ушлаб: “Нима деяпсиз, дада, ахир бу кишининг хотини, ўғли бор-ку!” — деди. Негадир Пиримқул ака қўл силтаб, бир кўтаришида коньяк тўла қадаҳни бўшатдилар. Эртаси кўни биргалашиб суратга тушдик. Аммо расмлардан менга тегмай қолди.

Адол, юборган пулингни олдим. Ойимнинг пуллари ни эса, ишлатмаяпман. Биласан-ку, ҳаромдан ҳазар қиламан, қайтариб юборай десам, сени ҳафа қилиб қўйишади, деб қўрқяпман.

Олам-олам соғиниб қолувчи сенинг Азизинг”.

Учинчи мактубида Азиз рафиқасини янги чақалоқ билан табрикларди:

“Жонгинам, янги меҳмон муборак бўлсин! Исмини Қаноатхон деб қўйибсизлар. Қадами қутлуғ, қаноатли инсон бўлсин. Қизалоғимга атаб жажжи кийимчалар олдим, тез кунда ўзим олиб бораман.



Азизим, келишганимиздай, қанақа бўлишидан қатъи назар кулгули бир ҳақиқатдан сени хабардор қилмоқчиман. Биласанми, қайси куни Саодат менга муҳаббат изҳор қилди. Ўртага сен тушмаганинда мен уники бўлишим мумкин экан. Олдинига роса кулдим. Кейин жаҳлим чиқиб, жеркиб ташладим. Андишасиз, бундай севгини тан олмайман. Аслида Саодат ёмон қиз эмас. Лекин бир оз енгилтак. Ёлғиз ўсганда, шунинг учун жуда эркатой.

Сенинг, фақат сенинг Азизинг”.

Феруза Аҳадовна жаҳл билан “беҳаё” деди-да, кейинги конвертга кўз югуртирди. Унда сиз билан бизга маълум ўша сурат чиқди. Феруза опанинг бусиз ҳам қайнай-қайнай деб турган ғазоби бирдан жунбушга келди. Сапчиб ўрнидан турди. Хиёбондан чиқар экан, “ёш оилани фожиадан сақлаб қолиш керак” деди ўзига ўзи. Сўнгра гапимни биров эшитиб қолмадимикан, деган хаёлга бориб ён-верига қараб олгач, қатъий бир қарорга келган кишидек тез-тез юриб кетди.

Қабулхона эшиги ёнида уни котиба қиз кутиб олди.

— Ўзларидами, Гулнорахон? — Феруза Аҳадовна катта раҳбар хонасига ишора қилди. — Ёлғизмилар?

— Йўқ, опа, мажлис кетаяпти. Келганингиз яхши бўлди. Сиз ҳам қатнашишингиз керак эди. Тополмадик. Кира қолинг, ҳозир бошланди.

Опа эшикни қия очиб, гапираётган киши сўзини тугатиши билан ўзини ичкарига урди-да, эшик яқинидаги қатор стуллардан бирига оҳиста ўтирди.

— Хўш, тагин ким гапиради? — Одатдагидек йиғилишга Пиримқулнинг ўзи раислик қиларди.

— Менга сўз беринг, Пиримқул Болтабоевич, — новчадан келган оқ сочли бир киши ўрнидан турди.



— Марҳамат. Э, бир минутга. — Пиримқул кўзойнагини олиб, дастрўмоли билан кўзларини артар экан, опага мурожаат қилди: — Нега кечикдингиз, Феруза Аҳадовна?

— Узр, айбдорман, — опанинг қулоқларигача қизариб кетди, — беҳабар қолибман.

— Мени менсимасангиз, лоақал мана буларни — туман раҳбарларини, фаолларни ҳурмат қилинг-да! Қани энди чорвангиз ҳам ўзингизга ўхшаган миқтигина бўла қолса. Молларингиз қоқсуяк, пуф десанг, ағанайди. Тез-тез қимирласангиз, бир оз ориқлаб, фигурангиз ҳам бинийидек бўлармиди?!

— Нафсониятимга тегманг, Пиримқул Болтабоевич, — жаҳлдан бўзариб кетди опа, — мен сизга тош отадиган нишон эмасман.

— Бўпти, бўпти? Ўтиринг. Сиркангиз сув кўтармайдиган бўлиб қолибди, Феруза Аҳадовна... Хўш, давом этинг, Тоҳир Эшбоевич!

— Гапнинг пўсткаласини айтиб қўяқолай, — сўз бошлади ҳамон тик турган нотиқ, — шўрланиш даражаси кучайиб, ҳаттоки, айрим хўжаликларда бутун-бутун майдонлар оборотдан чиқиб кетаяпти. Бунинг устига баъзи қурилиш ташкилотлари режани фақат оғизда бажариб, тугалланмаган мелиорация тармоқларини хўжақўрсинга топшириб юборишяпти. Ёпиқ дренажлар ишламаяпти. Кўпгина карталарда бетон қувурлар қоғозда бору амалда йўқ. Улар зовурларга туташтирилмаган. Бу, ахир, жиноятку?

— Нима қил дейсиз?

— Хўжаликларга масъул жавобгарлар керак!

— Ие, — елка қисди Пиримқул Болтабоевич, — хўжалик раҳбарлари-чи? Бош мутахассислар-чи? Агрономлар-чи? Улар нима иш қилишади? Ёки ҳаммасини ҳоким назорат қилиши керакми?





— Уларни ҳар уч-тўрт ой ичида алмаштириб турибмиз. Мана, бир мисол, туманда мелиораторлар бир йил ичида беш марта, ирригаторлар уч марта алмаштирилибди. Бунинг оқибатларини ҳаммамиз рўйирост кўриб турибмиз.

— Нимани кўряпсиз, нимани? — ўзини тутолмай бақирди ҳоким, демак, сизлар ҳамма нарсани кўрасизлару мен шапқўр эканман-да? Ҳей, менга қаранг, бирор нарсага уқувим бўлса керакки, мени шу лавозимга ўтказиб қўйишибди.

— Билиб қўйинг, Пиримқул Болтабоевич, — ўзини босиб янада жиддий оҳангда гапира бошлади Тоҳир ака, — афтидан, сизга ишонч билдириб, биз — туман Кенгаши депутатлари ҳам бир оз адашганга ўхшаймиз. Мен оддий қурувчи-муҳандисман, лекин шуни биламанки, сиз ҳоким бўлгандан буён ўтган йиллар ичида пахта ҳосилдорлиги ўсиш ўрнига йилига бир ярим центнерга камайиб боряпти. Бултурги йили йиғиб олган жами пахтамиз ҳар гектар ҳисобига аранг 9 центнердан тўғри келди. Бу хунук фактларни ҳар қандай шапқўр киши ҳам кўролади, менимча.

— Ҳақорат қилманг, — қўлидаги қаламни Пиримқул газаб билан қаламдонга итқитди. — Бу ерда вилоятдан вакил ўтирганлигини унутиб қўйдингиз, шекилли?

— Аксинча, — бошлиққа тик боқди Тоҳир Эшбоевич, — шу кишининг бугунги анжуманимизда иштирок этаётганини ҳамда ўзингиз аҳволни яхшилаш учун камчиликларни юз-хотирсиз, рўйирост айтаверинглар, деганингиз учун кўпдан ўйлаб юрган фикрларимни ўртага ташлаяпман.

— Шуми? Ўтиринг!

Нотиқ гангиб беихтиёр ўтириб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. Қайта ўридан туришни эп кўрмади. Дилдаги гапларни айтолмаган, бунинг устига Пиримқулнинг дўқ аралаш бўйруғига бўйсуниб, чўкиб қояқолгани учун ичидан ўзини сўқар, нафаси сиқилиб, кимдир томоғидан



бўгаётганга ўхшарди. Йўқ, ўйларди у, бутун фикрларимни юқорига ёзиб юбораман. Бунга ҳаққим бор. Бу фикр Тоҳир акани анча хотиржам қилди, нафас олиши равонлашди, дастрўмоли билан юзидаги терларни артиб, навбатдаги нотиқнинг сўзларини тинглай бошлади. Ҳокимликнинг масъул ходимларидан бири Носир Ҳайдаров гапирарди. Бу йигитнинг тўғрисиўзлиги, бетгачопарлиги туфайли Пиримқул ҳам, Рустамбой ҳам уни хуш кўрмас, ҳалол ва ишчанлиги, фаолиятдан бирор гард топиша олмагани учун эса, жойидан силжитишга ҳар иккала “устун” ҳам ожизлик қилишарди.

— ... Мен туманда ҳукмрон турғун ҳолатга мутлақо барҳам бериш вақти етди, деб ўйлайман. Ахир, режасиз чоп-чопу югур-югурлар масъул кишиларнинг қўплаб вақтини зое кетказаётганини наҳотки тушунмасак? Иккинчидан, Рустам Асадович билан Пиримқул Болтабоевичнинг ўрталаридаги нифоқ жуда чўзилиб кетди. Бу келишмовчиликнинг салбий оқибатларидан ҳаммамиз хабардормиз. Мен муҳаррир Одилжон Тешабоев фожиаси ҳақида гапираяпман. Биласизларки, газетачилик асабий касб, яъни мия билан, ижод билан боғлиқ иш. Бугун койиб, эртаси куни яхши ишларини мақтаб, далда бериб турилса, қалам аҳли кеча-ю кундуз ишлайверади. Адибларимиздан бири айтганларидек, ижодкор — қарсак шайдоси. Одилжон ака ҳам ана шу хилдаги қалам соҳиби эди, унинг юраги чатоқлигини ҳаммамиз билар эдик. Агар газетада Пиримқул Болтабоевичнинг яқин кишиларидан бири мақталса, муҳаррирни Рустам Асадович уришадилар, аксинча бўлганида-чи, бечора муҳаррир Пиримқул акадан дакки ер эди, ўша куни ҳам ҳудди шундай бўлибди. Мана, мухбир Бўронбоев гувоҳ, оқибатда инфаркт шундай кишини орамиздан олиб кетди. Сўз тиғидан яраланган қалбни даволаш жуда мушкул. Айниқса, ижодкорнинг қўнгли но-



зик бўлади. Қаламкашларни биз ниҳоятда авайлашимиз лозим. Газетанинг жойларда минглаб кўз-қулоқлари бор. Бу жуда катта куч, ундан мавжуд камчиликларни барта-раф этишда фойдалансак бўлмайдимиз, ахир?

— Гапигиз тугадими? — луқма ташлади Пиримқул. — Ўтиринг, яна ким гапиради?

— Кечирасиз, — зўрма-зўраки илжайди Ҳайдаров, — ҳали гапим тугагани йўқ.

— Регламент-чи?

— Тагин икки дақиқа... — Носир бошлиқнинг розилигини ҳам олмай, сўзида давом этди. — Шу хусусда яна бир мисол. Толибни ҳаммангиз яхши танийсизлар. Жуда қобилиятли йигит. Бир пайтлар Пиримқул ака қўли остида ишларди. Кейин Рустам Асадович идорасига ўтказилди. У ерда йигитни туртавериб, жон-ҳолига қўйишмади. Рустам Асадовичнинг ўзлари кўпчилик олдида унга “Сен Пиримқулнинг жосусисан” деб кўп марта дашном бериб-дилар. Бу ҳақоратларга чидай олмаган Толиб Йўлдошев яна эски жойига қайтди. Бу ерда уни эҳтиром билан кутиб олишди, дейсизми?! Йўқ, кечирасиз, Пиримқул Болтабоевич, сизнинг “Рустамбойнинг ялогини ялагансан, менга эл бўлмайсан” деб Толибни ҳақоратлаганингизни ўз қулоғим билан эшитганман. Энди эса, Йўлдошев ишдан бўшаб, кўча-кўйда ичиб юрибди. Ароқхўр бўлиб қолиши ҳам мумкин. Хўш, бунга ким айбдор? Очигини айтсам, ўша икки раҳбаргина эмас, бу йигит тақдири учун биз, туман ҳокимлиги фаоллари — ҳаммамиз масъулмиз, тумандаги ҳозирги носоғлом муҳит учун ҳаммамиз жавобгармиз...

Яна икки-уч кишидан кейин вилоятдан келган вакил сўз олди. У маърузасини қўйидагича тугатди.

— Биз шуни яхши биламизки, Пиримқул Болтабоевичнинг суяги меҳнатда қотган. Узоқ йиллар пахтачилик хўжаликларини бошқарди. Иш бор жойда, хато ҳам бўлади,



албатта. Менимча, Пиримқул Болтабоевич шу камчиликларни тезда бартараф этишга қодир. Шундай эмасми?..

Ҳали сўзга чиққанлардан бири учта хўжаликдаги шўрланган ерлардан йиғиб олинган пахта ҳосилининг салмоғига шубҳа билдирди. Қўлга тушмаган ўғри — ўғри эмас, деган гап бор. Осмондан олдим, ердан тўладими ёки қўшнининг томорқасидан тушдими, бунинг биз учун аҳамияти йўқ, эплаб топшириқни — режани бажаряптими, отасига раҳмат, қандини урсин! Бизга ана шунинг ўзи кифоя...

Вакил ўтириши билан Пиримқул ўрнидан турди. У қаддини дароз тутиб, мағрурона залдагиларга бир-бир тикилиб чиқди-да, сўради:

— Тушунарлими, ҳурматли жаноблар? — Унинг гап оҳангида қўйилган вазифа эмас, “овора бўласизлар” мени жойимдан силжитиш қийин, буни ҳокимиятдан келган вакилнинг сўзларидан ҳам тушунган бўлсаларинг керак. Шунинг учун тушунарлими, деб сўраяпман деган маъно уйғунлашган эди. Кимдир чўзиб “ту-шу-нар-ли” деб қўйди. Ўзбилармонлик қон-қонига сингиб кетган бу кишига гап уқтириш мумкинлигига Фेरүза Аҳадовнанинг ҳам кўзи етмай қолди. Демак, Адолат фожиасидан гап очиб бефойда.

Хонадан одамлар анча ҳафақон, фақат Пиримқулнинг яқинларигина мамнун ҳолда чиқишди. Ҳаммага фақат шу нарса аён эдики, ҳақиқий жанг энди бошланади...

### Зарба

**А**зиз бундай зарбани кутмаганди. Ранги оқариб, юзини икки қўли билан бекитганича беҳолгина қаравотга ўтириб қолган ўғлининг аҳволини кўриб ота ҳам қўрқиб кетди. У апил-тапил шу ердаги стол устида турган графиндан ҳовучига сув қуйиб, Азизнинг юзига сепди. Йигит бир сесканиб, юзидан қўлларини олди... Унинг кўзларида



жиққа ёш, ҳали ҳаётда бирон марта тепки емаган йигит дастлабки зарба азобига чидолмай, унсиз йиғларди.

— Бизда нима айб? Уйга ўт қўймоқчи бўлди, фарзандингни ҳаромининг пуштидан бўлган ҳароми, деди.

— Нимага?

— Мен не билай? Жинни-да, жинни бўлмаса, шунақа қилиқлар қиладими?

— Бас, мен Адолни кўришим керак! Ўзим гаплашаман!

— Бунинг иложи йўқ, Азизжон, — ёлворгансимон гапирди ота, — аввало, сени кўрса, касали баттар қўзғаб кетармиш, врачлар шунақа дейишяпти. Бунинг устига ўз номи билан жинни, сенга чанг солиб, шарманда қилиб қўйиши мумкин.

Азиз ўрнидан турди. Унинг шаштида қатъийлик ҳукмрон эди.

— Йўқ, уни кўрмасам бўлмайди. Юринг, дада.

Ота-бола пастга — биринчи қаватга тушганларида уларни ётоқхона эшиги олдида Саодат кутиб турарди.

— Эшитдим. Даҳшат. Хафа бўлманг Азиз ака, — ачинган бўлди қиз, — даволашади. Ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетасизлар ҳали. Мана, мени айтди, дерсиз.

— Раҳмат, Саодат. Ишқилиб айтганингиз келсин!

— Мен ҳам сизлар билан кетсам майлими? Ойимни кўриб қайтмоқчи эдим. Машинада жой...

— Жой бор, қизим, — деди Шер ака ва шоша-пиша орқа эшикни очиб, ўғли билан Саодатни ўтқазгач, машинани жойидан силжитди.

Анчагача жим кетишди. Хаёл машина учиб бораётган мана шу йўл каби сўнгсиз, ниҳоясиз. Йўловчилар орасида фақат Саодат ҳали фикрини йўргаклашга улгурмаган, дилидаги ўйларини синчковроқ одам чеҳрасидан бемалол ўқиб олиши мумкин эди! Унинг момиқдай юзи гоҳ ўзгарар, ўшандай пайтларда кўзлари ҳар қандай йигит-



ни бир боқишда йиқитадиган даражада эҳтиром билан чақнар, гоҳ рақибини ғазаб ўтида қўйдирмоқчи бўлгандай тундлашиб кетар, лекин ҳар икки ҳолатда ҳам гўзал эди бу қиз. Мана, ҳозир ҳам у ёқимли ҳислар оғушида. Унинг кўз ўнгида онаси гавдаланади: сочларига қор ўтирган, паст бўйли, қорачадан келган, нозиккина сиймо. Меҳнаткаш, айна пайтда сипо аёл. Юзларида, қўлларида ажин. Дарвоқе, Саодат ҳозир ойисининг ўша ажин билан боғлиқ бир қилиғини эслаб, беихтиёр жилмайди. Бу шундай бўлган эди: эрка қиз боғ оралаб ниҳоятда тўлиб пишган, гўштдор луччак шафтолини узиб чиқди-да, онасига кўрсатди:

— Ойижон, қаранг, нақадар тиниқ.

Она кулиб қизига қаради.

— Менинг чеҳрам ҳам, бир вақтлар қўлингдаги шу шафтолидай тиниқ, мусаффо эди, дадангнинг қўлига тушгандан кейин эса...

Саодат ҳузур қилиб шафтолини шимди: шираси сўриб олинган шафтоли қуритилган қоқига ўхшаб бир зумда бужмайди-қолди, худди онасининг юзидаги ажин каби. Уни Саодат хона бурчагидаги челақка итқитди.

— Энди менинг ҳам, — деди она зўрма-зўраки илжайиб, — ўша сен итқитган шафтолидай юзларим бужмайиб қолди. Даданг эса, тўлиб пишган, ширадор, тиниқ, чиройли шафтолиларни ҳозир бировларнинг боғидан териб, шимиб юрибди.

Тўрдаги стол ёнида бели синмаган юзталикларни тахлаб, завқланиб ўтирган ота ялт этиб хотинига қаради-да, ғазаб билан:

— Уятсиз, қизинг энди ёш эмас. Лоақал шу гапларни мен йўғимда айтсанг, ўлармидинг?

— Ёлгонми? Кўзлари чиройли бўлгани учун Гулнорахонни котиба қилиб қабулхонага ўтказиб қўйибсиз. Ана шу врач қиздан бошқаси қуриб қолганмиди?



Пиримқул сохта кулиб:

— Ойингнинг рашки ҳали ҳам қолмабди, қизим, — деди.

— Севган киши рашк қилар эмиш. Демак, ойим сизни жонидан ортиқ кўрадилар.

— Муҳаббатнинг қаноти жуфт бўлиши керак, — ўкинч билан гапирди она, — бизнинг эса, қанотимизнинг бири синган...

— Нега бунақа дейсан? Мен ҳам севаман.

— Севаман? Ҳм, менга рашк қилганингиз учун бечора Обиджонни ўзини ўзи ўлдиришига мажбур қилган экансиз-да? Хотини эвлюроқ бўлса ҳам майли эди, қоп-қора таппи.

— Пиримқул бир чўчиб тушди. Наҳотки, ҳаммасидан хабари бўлса, — ўйлади у. — Ҳа, Обид аҳмоқлик қилди. Бир хотинни деб пичоқлаб ўтирибди ўзини. Оқил, ориятли йигит эди. Бундай бўлишини ким билибди дейсан. Қандай бошланган эди ўзи?

Хаёллар тизгинини Пиримқул қўлга ололмади, сўнг ўйга чўмди. Хотини билан Пиримқул дон олишиб юрганини Обиджон сезиб қолди. Якшанба куни бозорда тумонат одам. Улар худди шу ерда учрашиб қолишди. “Эрсиз хотинлар сиз учун камми? — деди Обиджон кўзларини ола-кула қилиб. — Нега энди менинг жуфти ҳалолимга кўз олайтириб қолдингиз?” “Жинни бўлганми бу? Энци қотиб ҳамроҳларига юзланди Пиримқул. — Мени нопок демоқчимисан?” “Ҳа, сиз нопоксиз, бузуқсиз!” Ер ёрилмади-ю, Пиримқул ерга кириб кетмади, “ҳали кўрсатаман сенга”, деб қўйди у ўзига ўзи. Дарҳақиқат, кўрсатди. Қайсидир тўйда аламидан ичиб олган Обиджонни Пиримқулнинг буйруғи билан олдинга хушёрхонага, сўнгра алкоғолдан “даволаш” учун руҳий касалликлар шифохонасига жўнатишди. Бу ерда эса, Обиджон врачларнинг бепарволигидан фойдаланиб, ўз жонига қасд қилди...



— Тузалсин, деб касалхонага юборсам, ўзини ўзи ўлдириб ўтирибди, аҳмоқ, — пул пачкаларини тахлар экан, газаб билан гапирди Пиримқул. — Жиннининг шохи бўлармиди? Сен ҳам онаси, шу “миш-миш”ларга ишониб юрибсан.

Саодат ҳайрон бўлиб отасига қаради. Йўқ, у стол устидаги даста-даста пулларни эмас, уларга кўзи кўникиб қолган, аксинча, отанинг шафтоли сўраётганида бурчакларида доим кўпик қотиб оқариб юрадиган оғзини кўз олдига келтириб, ҳайратга тушган эди. Ўз хаёлларидан ўзи уялиб, қиз пиқиллаб қулди, сўнгра ўзига ҳам қачонлардир ажин тушишини, қайси бир бемеҳр эркак томонидан мижиғланиб бўлгач, ўзининг ҳам ҳозиргина челақка улоқтирилган шафтолидек кераксиз бўлиб қолишини ўйлаб, ранги қув ўчди. “Қуриб кетсин, — деди у ўзига ўзи, — ҳамма эркак бир гўр экан, ҳеч қачон турмушга чиқмайман”.

Бироқ ўшанда севги тўфони унинг ички дунёсини остин-устун қилиб юборишини қаёқдан билибди, дейсиз?! Мана, ҳозир эса, у фарзандли, уй кўрган бир кишининг ҳажрида куйиб юрибди, айни пайтда онани кўриш эмас, йўқ-йўқ, бирор соат бўлса-да, Азиз билан бирга бўлиш истагида қишлоққа кетяпти. Унинг устига жинни Адолатни ўз кўзи билан кўриши ҳам керак-да!

Кеча қанақадир йиғилишга келган дадаси кафеда овқатланиб ўтирган қизига “Энди орзуинг ушаладиган бўлди, оппоқ қизим! Шернинг келинини мияси айниб, касалхонага тушибди. Қонун эрни бу хилдаги бемор хотиндан ажралишига йўл қўяди”, деди. Бу сўзлар Саодатнинг сўниб бораётган ҳисларини қитиқлаб уйғотибгина қолмай, куч бағишлаган эди...

Табиатан бесабр Саодат ичида “энди Азиз меники” деб қўйди-да, хумор кўзларини йигитга тикди. Бу мусаффо чеҳрани, бу ҳаёсиз нигоҳларни Азиз кўп кўрган. Аммо шу





тобда Саодатнинг майин жилмайиб боқиши йигитнинг энсасини қотириб юборди. “Мунча хунук-а, бу қиз, — ўйлади у, — тавба, биров ўлай деса, бу кулай дейди, қилиқлари одамсифат маймуннинг ўзи!”

Машина девор билан ўралган касалхонанинг дарвозаси олдига келиб тўхтаганидагина, уларнинг хаёли бўлинди. Йўлини тўсган қоровул чол ҳай-ҳайлади:

— Машинада ичкарига кириш мумкин эмас. Лекин “Волга” эгаларини таниб, дарров ҳовуридан туша қолди. — Э, Шермисиз? Танимабман. Бой бўласиз. Марҳамат, кираверинг, сизга рухсат! Ҳа, айтгандай, ҳалигина ҳоким бува ҳам келиб кетувди, анча суҳбатлашдик. Ким нима десину аммо менга жуда ёқди: одамохун бошлиқ. Катта бошини кичик қилиб келингизга ўзи овқат олиб келибди.

— Овқат? — ҳайрон бўлиб сўради Азиз. Саодат бу гапдан фахрланиб, “Билиб қўйинг, бизнинг бобой ана шунақалар” деган маънода Азизга мағрурона қараб қўйди.

— Ҳа, ҳа, овқат, — деди чол, — Ҳурмат юзасидан қабул қилиб, уни ўз қўлим билан келинга олиб бориб бердим.

Шерали қария билан саломлашган бўлиб, алланимани унинг қўлига тутқазди. Чол икки юзталиқни чўнтагига яширар экан, мамнун ҳолда гулдиради:

— Кераги йўқ эди аслида, ҳа, майли, топганингизга барака берсин!

Қария дарвозани ланг очар экан, машинани ичкарига қўйиб юборди.

— Ўтаверинглар, сизларга рухсат!

Ҳовлида яқиндагина оёққа турган Норбуви холани кўриб қолишди. Машина тўхташи билан унинг ичидан Азиз отилиб чиқди.

— Тузалиб кетдингизми, ойи?! — Саломга елкасини тутар экан, сўради куёв, — тагин уриниб қолманг.



— Йўқ, болам, — Норбуви хола кўзига ёш олди, — қуллуқ, раҳмат, сизга Азизжон. Юборган профессорингиз зўр экан. Бир ойда ҳеч нима кўрмагандай бўлиб кетдим. Эсон-омон юрибсизми, қуда? Яхшимисиз, она қизим? Шу десангиз, қуда, ортиқча суюнишдан фойда йўқ экан, мен тузалганимда, мана энди Адолат... Оиламиздан ҳеч касофат аримади-аримади-да!..

— Ташвиш тортманг ойижон, — далда берган бўлди Азиз, — Исмоилов деган зўр психиатор бор, академик. Ҳозир чет элда. Бирор ойдан кейин келадилар. Ўзим бошлаб келаман.

— Бутун умидим сиздан, болам, — қайнонанинг кўзлари яна намланди. — Болаларингиз бахтига тузалиб кетсин ишқилиб... Вой, эсим қурсин, сизларни гапга тутиб турибман-а! Бора қолинглар, ҳув анави темир панжарали хона. Ичкарига қўйишмас экан. Яхшиси, ўзим бошлай, юринглар!

Деразанинг олдига бошқалардан олдин яқинлашар экан, Азизнинг юраги дукиллай бошлади, бу хилдаги беморларнинг қилиқлари ҳақида лекцияларда жуда кўп эшитган эди. Шунинг учун юзлари сўниққан, кўзлари ичига ботиб кетган Адолатни кўрди-ю, ички бир алам билан кўзларидан оқиб тушаётган ёшни ҳам сезмади. “Мен хирургман, — ўйлади у, — қани энди бу дард баданнинг бир жойидан ўсиб чиққан маразга ўхшаса-ю, уни дарров кесиб ташлаб, севгилимнинг жонига ора кирсам, афсус, минг афсус...”.

Адолат эса, каравотга ёнбошлаган ҳолда ёғоч қошиқда овқат олиб ейиш билан овора, кўриш у ёқда турсин, ҳатто эрининг келиши ҳам унинг хаёлида йўқ.

— Адолат, Азизинг келди, қизим!

Онанинг даҳанидан қувонч билан бирга чиққан “Азиз” сўзини эшитиб, Адолат ирғиб ўрнидан турди. Унинг бу-



тун вужудини шодлик ва бахтиёрлик қамраб олган, меҳр тўла кўзларидан ҳам соғинч, ҳам шу аҳволдан уялиш, ҳам эрининг тез етиб келмаганидан аразлашга ўхшаган маънони фақат Азизгина тушуниб турарди. Бироқ шу дам Азизнинг ёнига югуриб келиб, ўзига маъюс ва ғолибона тикилиб турган Саодатни кўрди-ю, юрагидаги аллақайси бир томир узилиб кетгандек бўлди.

— Йўқол! — деб бақирди у ва овқат солинган банкани шундай зарб билан отдики, шиша идиш темир панжарага урилиб, чил-чил синди, унинг шовқинида Адолатнинг “бевафо”, “хиёнаткор” деган сўзларини ҳеч ким эшитмади. Саодат қўллари билан юз-кўзларини беркитишга улгурган, аммо буни ўз севгилисидан кутмагани учун Азизнинг юзини шиша парчаси тилиб кетган эди. Осмондан тушгандай ҳозир бўлган врач аллакимга ўшқирди:

— Беморга шиша идишда ким овқат берди? Изоляторга олиб кетинг уни!

Бу ҳодиса шу қадар тез содир бўлдики, она ҳам, Шер ака ҳам ҳангу манг бўлиб қолишди. Азизнинг юзидан тирқираб оқаётган қон унинг яп-янги оқиш костюмини қип-қизил рангга бўяганди. Ниҳоят, ота ўзини тугитиб, чўнтагидан дастрўмолини олди-да, қонни тўхтатиш мақсадида ўғлининг юзига босди. Бироқ ўғил отанинг қўлини силтаб ташлади.

— Қон... шиша ялаб ўтибди! — деди Шер ака ўғлини чеккага тортиб, сўнгра ўша бақироқ врачга ўғирилди, — ёрдам қилинг, доктор...

Юзи бинтланган Азизни судрагандай қилиб машинага ўтқозишди. Улар жўнаб кетишди, она эса, йиғлаганича қақшаб қолди. У ҳадеб бир гапни қайтарарди: “Ҳалигина туппа-тузук эди-ку!” Аммо бу содда аёл қизнинг жонига қасд қилишга мўлжалланган банканинг куёвига отилганини қаёқдан билсин?!



## Қабих режа

— **Ж**иян, юқори идораларга устингдан кўп ариза тушаётибди, келиб текширадиган бўлса, юз эллик фоиз тасдиқланади, — деди Самад ака босиқлик билан, — яхшиси ариза бериб бўша, барибир сирларинг ошкор бўлиб, абгоринг чиқади. Мени айтди дейсан, ноқобил ошна-оғайниларинг бошингга етади.

— Ошна-оғайни, қариндош-уруғ... Ахир, сиз ҳам менга қариндош-ку? — тоғанинг кўзига тик боқди Пиримқул, аммо дарҳол нигоҳини яшириб, сўзида давом этди. — Сиз шундай десангиз, бегоналар кўзимни ўйиб олар экан-да?!

— Ҳей, менга қара, — Самад аканинг чинакамига жаҳли чиқди, — атрофингга бир назар ташласангчи, одамлар ёниб-куйиб ишлашяпти, ҳеч нимадан тап тортишмаяпти, қиш изғиринида, даштнинг даҳшатли жазирамасига чидаб, меҳнат қилишяпти. Лоқал ўшаларнинг жасорати олдида бир оз бош эг, озроқ уял. Лоқал ўшаларнинг йўлига тўғаноқ бўлма. Мен ҳам шуларнинг бириман, оддий ишчиман. Ҳисмингдаги жон каби мени ҳаракатга солиб турган эътиқодимдан сендай кўрнамак қариндошни деб воз кечмаслигимни наҳотки ҳанузгача тушуниб етмаган бўлсанг? Агар вужудингда виждоннинг озроқ учқуни қолган бўлса, худди мен айтгандай қиласан. Танангга яхшироқ ўйлаб кўр. Ариза ёз. Фидойи ёшларга бер ўрнингни. Ё уни сотиб олганмисан?

— Тушунсангиз-чи, бундай қилиш мумкин эмас. Оқибати нима бўлишини ўйлайсизми?

— Нима бўпти? Тупша-тузук шофёрсан ҳам. Қурилишда ишлаб юраверасан. Жиноят устида қўлга тушиб, қамалибди, деган исноддан кўра, ҳарқалай мардлиги бор экан, деган гапни эшитиш маъқул эмасми?



— Ҳа-а, — деди чўзиб Пиримқул, — одамлар сизни бекорга Самад сафсата дейишмас экан.

— Яна адашдинг жиян, — кулди Самад ака. — Бу сенинг ҳамтовоқларингдан чиққан гап. Мени Самад саркор ҳам дейишади. Ҳў-ўш, бунга нима дейсан энди?

— Бўпти, ўйлаб кўраман. Энди сизга рухсат, тоға. Мажлис ўтказишим керак. Одамлар кутиб қолишди.

— Ҳайдама мени. Бу муътабар хонада кўп бўлганман. Бундан кейин ҳам келиб кетавераман! Аммо, агар айтганларимни қилмасанг, мендан шафқат кутма, энди аяб ўтирмайман. Кетдим...

Самад ака ортидан эшик беркилиши билан Пиримқул телефон гўшагига ёпишди:

— Алло, Шер, ўзингизми? Беш дақиқадан кейин жўнаймиз...

Тошкентдаги “Ўзбекистон” меҳмонхонаси олдига келиб тўхтаган қаймоқранг “Волга” икки серсавлат кишини шу ерда қолдириб, яна орқасига қайтди. Булар Пиримқул билан Шерали эди. Пиримқул телефон буткасига яқинлашар экан:

— Бир таниш кампирим бор, ўшаникига қўнамиз. Ҳеч ким ҳалақит бермайди, бир яйрайлик, Шер ака, — деди ва эшикни очиқ ҳолда қолдириб, дискани айлантира бошлади:

— Алло, ётоқхонами? Илтимос, 26-хонадан Азиз Шералиевни чақирсангиз... Азиз, бу сенми? Ҳа, ҳа! Ўша жойда. Нима, а как же? Шу ерда. А? Ҳа, касалхонага ҳам бордик. Бирор йил ётар экан, у ёғини беморнинг аҳволига қараб кўрамиз, дейишди врачлар. Бе, Тошкентга келтириб нима қиласан! У ёқда ҳолидан хабар олувчиларнинг оёғи узилмайди. Бу ерда эса... Ўзинг ҳам яқинда пойтахт билан хайрлашасан. Иш тайёр: касалхонага бош хирург. Бўладими? Э, раҳматингни қўятур. Ҳой, Саодат



эсдан чиқмасин, ўғлим! Такси олақолинглар, пулини шу ерда ўзимиз тўлаймиз!

Будкадан мамнун чиққан Пиримқул ўриндиқда ўтирган ҳамроҳининг тунд юзига қаради-ю, бирдан жиддийлашди.

— Нима бўлди, Шерим? Лаб-лунжингиз Бабаш буванинг носқовоғидай осилиб кетибди?

— Йўқ, ўзим шундай...

— Ёрила қолсангиз-чи?

— Очиғини айтсам, — деди Шерали елкасида оғир юк бордай аранг ўрнидан турар экан, — икки гўдакнинг тақдири мени ташвишга солаяпти. Навараларимни айтяпман. Уларда нима гуноҳ?

— Демак, туяга ўхшаб орқага... Шундай қилайлик, демоқчимисиз?

— Келинни шу касали ростми ўзи?

— Нима, врачларни ҳам қўлга олган, деб ўйлаяпсизми? Вей, тушунинг ахир, мияси айнимаганда эрига овқатли шиша идишни отармиди? Ўзингиз гувоҳ бўлдингиз-ку! Бахтингиз бор экан, қизим ўғлингизни ёқтириб қолибди. Мендай бир одам билан қуда бўлаётганингиздан суюнсангиз-чи! Биласиз, совчилардан эшигим олди тирбанд. Она сути ҳақиға қоп-қоп пулни ўртага қўйишяпти. Мен эса, сиздан атиги юз минг сўраяпман. Бунинг устига ўғлингиз бир марта уйланган. Ёки чиқимдан чўчиаяпсизми?

— Йўғ-е, ҳали яна ўнта келин туширишга қурбим етади. Фақат Азизни кўндириш қийиндир-ов!

— Бунисини энди менга қўйиб беринг, — деди Пиримқул, сўнгра муҳим бир сирни очмоқчи бўлгандай юзига жиддий тус бериб, Шералининг қулоғига аста шипшиди, — бир дори топдим. Ҳарқалай йигитнинг ҳам қонини кўпиртириб, ҳам ўзини қутуртириб юборади. Ўзим синаб кўрганман... хи-хи-хи.



— А, зарарли эмасми?

Пиримкул қўл силтади:

— Ароққа ўхшаб бир неча соатлик кайф беради, холос. Кейин ҳеч нарса бўлмагандай, туриб кетаверади. Шу доридан бир чимдими чўнтакда. Хавотирланманг, беқусур... ана келишаяпти! Қаранг, яхшироқ қаранг, бир-бирига қандай муносиб!

Икки ёш ҳурматиға оталар ўринларидан туришди.

— Кайф чоғми, Алпомиш ўғлим? — Эсонлик сўраган бўлди Пиримкул эркалаб.

— Яхши келдингизми, Барчиной қизим? — деди Шерали хушчақчақ оҳангда.

Азиз билан Саодат бараварига:

— Раҳмат! — дейишди ва кутилмаган бу дуэтдан завқланиб, бир-бирларига табассум ҳадя этишди.

— Ўз Алпомишу Барчинойини водий орзиқиб кутмоқда, — Пиримкулнинг овози шоирона жаранглади, — аммо бугун Альфия момоникида базм. Биз ҳам чарчаганмиз, сизларнинг даврангизда чакчақлашиб, зора бир оз ёшарсак. А, лаббай? Қани, саккизинчи қаватдаги кайф-сафо кафесига марш!

Уларни лифт эшиги олдида бир кампир кутиб олди. Кампир Саодатнинг елкасига қоқиб, бошдан-оёқ қараб чиқди. Шерали етакчилигида ичкарига ўтказиб, остонада Пиримкулни ушлаб қолди, қулоғига шивирлади:

— Ҳаммасини муҳайё қилдим, кайф-сафо! Қора икра, қизил икра, бедана...

— Бас-е, мунча сайрадинг? Муддаодан гапир.

— Ярий, ярий, — деди кампир ялоқланиб, сўнгра эшикни зичлаб қўйди-да, узун-узун тишларини кўрсатиб кулди, — ҳай менга қара, кайф-сафо, йигирмага кирганини “каррей” дердинг-ку? Ёки қуруғлиси кампир бўлсин деддингми?



— Қуруғлиси нимаси?

— Ие, кайф-сафо, меникига бошлаб келган бу қизинг ўнинчи-ку!

— Ачиган оғиздан сасиган гап чиқади! Ахир бу ўз қизим, анави бўлажак кўёвим, уқдингми?

— Демак, бугун пул тутдай тўкилмас экан-да? Ярий, ярий! Лекин малай круглийгинанг келган оқшом менга ҳам сахийлик кўрсат?!

— Нима, янаги гал сенгаям бирорта чол топиб келайми?

— Чолингни бошимга ураманми, менга “мулла жиринг”дан кўпроқ олиб кел, барибир ҳамма йиққанингни харжлай олмайсан, чириб кетади!

— Майли аний, қанча десанг бераман, фақат неварангни топиб кел. Бадан қизиб қолса, эрмак қиламан. Юмалоқ сон сенинг неваранг бўла қолсин.

Бу гапдан сўнг ажин тўла кампирнинг юзи жаҳлдан баттар бужмайиб кетди.

— Чиранма малай, — деди у оғзидан кўпик сочиб, — неварамнинг тирноғига ҳам олмайман сени...

— Бўлди, бўлди — кампирнинг елкасига қоқди Пиримқул. — Ҳазилни ҳам билмайсан. Аския, аний, аския.

— Ҳе, аскиянг бошингдан қолсин, агар яна бир шундай аския қилсанг, бутун кирдикорларингни очиб, шармандаи шармисор қиламан.

Бу гаплардан кейин Пиримқулнинг ранги сал ўзгариб, кўзларида қўрқув аломати сезила бошлади, у чўнтагидан юз сўмликларни чиқарди.

— Мана бу аскиям учун, кечир мени. Энди қовоғингни оч, меҳмонлар нозик, ёмон хаёлга боришмасин.

— Ярий, — деди кампир пулга қўл чўзар экан. Эшикни аста очди-да, Пиримқулни ичкарига бошлади. Аммо анчагача тундлиги юмшамади.





Альфия аний яқиндагина мактабни тамомлаган невараси Нурия билан яшар, бева қизи янгитдан турмуш қуриб кетгани учун уни гўдаклигидан ўзи тарбия қилганди. Шу туфайли Нурия ҳақида айтилган ҳар қандай ёқмас гап кампирнинг юрагига муз парчасидай ёпишарди. Бугун ҳам худди шундай бўлди. Бошқа биров бўлганда, супурги билан шерикларига қўшиб уйдан сидириб ташларди, илож қанча, бу хотинбознинг пули қўп, ўша пул ўлгур бу бузукнинг калишига патак.

Пиримқул Нурияни яхши танирди, қизча мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ оқ юзли, малла соч бу қотма қизни қўз остига олиб қўйган, унинг оқ олмадай гардсиз чеҳрасига тикилиб, “шошма, бир кун пишарсан, келиб қўйнимга тушарсан, ўзим узаман сени” деган хаёл билан қизчани ром қилиш мақсадида совға-саломни аямасди. Буни сезиб қолган кампир Пиримқул келадиган куни Нурияни қизиникига жўнатадиган қилиқ чиқарди. Бундан Пиримқулнинг жаҳли чиқса-да, сир очилиб, обрўси бир пул бўлишидан қўрқиб, “Ҳе, пул йиқитмайдиган девор йўқ, пайти келади, мулла жирингнинг кучи кампирнинг ўзи неварасини икки қўллаб тутқазишга мажбур қилади”, деган хаёл билан тишини тишига қўйиб юарди. Ҳозир эса...

Умиди пучга чиққанидан авзойи бузилиб хонага кирган Пиримқулни стол атрофидагилар ўринларидан туриб қарши олишди.

— Ҳафа кўринасиз, дада, бирор гап бўлдимид<sup>3</sup> — сўради Саодат.

Пиримқул зўрма-зўраки илжайди.

— Йўқ, она қизим. Кампирнинг сендан бўлак икки-уч ёш кичик невараси бор. Аксига олиб бугун ойисиникига кетиб қолибди. Сизларнинг келишингизни айтмаганим учун аний мени бироз койидилар, жуда покиза, художўй, очиқ кўнгилли кампир. Дарвоқе, бугун шу ерда тунаймиз.



... Қадаҳлар жаранги, шифтбузар қаҳқаҳалар алламаҳалгача давом этди. Коньякнинг ҳар галги тано-бидан сўнг таббосди шўрванинг хўпланмаси юзларни қизартирган, кўзларни хиралаштирган, ҳамманинг баданини нозик бир ҳиссиёт қитиқлаб, сарҳуш кўнгилни худди баҳор фаслидаги каби эркагу аёлга хос бир талаб билан кўзғата бошлаган эди. Пиримқул дам-бадам ошхонага чиқар, ошхонага яқинроқ ўтиргани учун ҳар гал Шералининг қулоғига ўша ёқдан кампирнинг “Ҳой, қўйсангчи, жувонмарг, онанг тенгиман-а, беҳаё” деган овози ва секин қиқирлаб кулгани эшитилар, бўлажак қудасининг бу қилиғини ёшлар сезиб қолмадимикан, деган ўйга бориб, Азиз билан Саодатга зимдан тикилар, уларнинг оламдаги ҳамма нарсани унутиб, бир-бирларига тикилиб ўтиришганини кўриб, тескари бурилганча мамнун жилмайиб қўярди. Стол тўрида оппоқ кийимда малақдай очилиб, бутун жамолини кўз-кўз қилаётган Саодат бугун Азиз билан тўйсиз, никоҳсиз, висол кечаси ўтказишини билсада, йигитнинг эҳтиросли боқишларига тоб беролмас, айни пайтда унинг юраги ҳали замон дудоқларидан бўса олинишини ўйлаб, қанча ҳаракат қилмасин, ҳаяжонини боса олмай ўтирарди. Ювиниб-тараниб хонага кирган Пиримқул қўлидаги рюмкани Азизга узатаркан, деди:

— Ўғлим, мен ҳеч кимга май тутган эмасман, ҳамма менинг хизматимда бўлади. Буни ўзинг яхши биласан. Азбаройи сени ўғлим деганим учун сенга узатайпман. Негадир, бугун кам ичаяпсан. Қара, мана бу дастурхонда қушнинг сутидан бошқа ҳамма нарса муҳайё. Мени десаңг, шу қадаҳни охиригача сипқорасан. Қани, охиригача, охиригача. Ҳа, баракалла! Ҳой, Саодат, ширин қўлинг билан акангга закуска тут. Яша, ота ўғил!

Шу пайт остонада ёшига ярашмаган қилиқ қилиб таранг кийинган кампир пайдо бўлди. У негадир хурсанд.



Ҳадеб қиқиллаб кулади, кайфи тароқлиги рўйирост сезилиб турарди.

“Тамом, дори тўрт соатдан кейин таъсир қилади”, — ўзича фикр юритди Пиримқул. Демак, уйқу баҳонаси билан буларни тезроқ ётқизиш керак. Соат ҳам учдан ошибди.

— Менга қаранг, аний, сиз ёшлар билан шу хонада ётасиз, менга қудам билан ошхонага ўрин қилиб беринг, бошқа хона бўлмагандан кейин иложимиз қанча?!

— Ярий, — деди кампир, — сен, кайф-сафо, ташвишланма.

Чироқлар ўчди, кўп ўтмай, кампирнинг бурни карнай чала бошлади. Унга Шералининг бўғиқ хурраги жўр бўлди. Пиримқул ҳам бир оздан кейин хуриллай бошлади. Хурракка асло тоқати йўқ Саодат қулоғини қўллари билан беркитиб:

— Ўлсин, бундан карнайнинг ғат-ғати ҳам яхши, — дея секин Азизга қаради ва унинг безовталанаётганини сезиб, қўрқув, ширин ҳислар оғушида маст бўлди. Охири тонгга яқин йигитнинг жойидан қўзғалганини сезиб, ўзини ухлаганга солди.

— Адолат... — деди Азиз. Йигитнинг қўллари баданига тегиши билан ўз ҳолига қўймаётган истак Саодатнинг қўл-оёғини боғлагандек қарахт қилиб ташлади.

— Жим. Мен Адолат эмасман. Вой... Жим бўлсангизчи, — хаста товушда ёлворишга тушди қиз, — кампир уйғониб кетади. Э, нари туринг. Нима қилаяпти бу одам... Вой уятсиз, қўйворинг...

Саодат йигитни ўзидан четлатишга қанча уринмасин, ёлвормасин, Азизнинг гармселдай нафаси ёноқларини куйдираётганини сезгач, ҳирс кучлилик қилиб, ортиқча қаршилиқ қўрсатолмади, “Вой” деди-ю, бир зумлик изтиробдан кейин шу дамгача номаълум бўлган аллақандай бир илиқлик баданини қамраб олди...



Қиз ўрнидан турганида Азиз худди ҳеч нарса бўлмагандек аллақачон уйқуга кетган, хуррақлар авж пардаларда уйни ларзага келтирарди. Саодат тунги чироқни ёқиб, ўзининг ожизлигидан, Азизнинг бепарволигидан куйиниб, “Адолат эмиш, — дея, пичирлади, — ҳе, Адолатинг билан қўшмозор бўл”. У бўлиб ўтган ҳодисаларни ўйлаган сайин юраги эзилар, кўзларидан оқиб тушаётган ёшини тўхтатишга ожизлик қилар эди. Ниҳоят, йиғлашга тушди. Шу зайлда қанча хўнграб ўтирди, билмайди. Охири сабри чидамай, йиғи аралаш:

— Дада! — деб қичқирди. Кампир чўчиб уйфонди. Ички кўйлақда йиғлаб ўтирган қизни ва унинг ўрнида ётган Азизни кўрди-ю, капалаги учиб кетди:

— Вой, йигит ўлгур, тўйгача чидай олмабсан-да, — дея апил-тапил кийиниб Саодатнинг олдига борди, халатини ечиб, уни қизнинг елкасига ташлар экан, қўшни хонани тақиллатди:

— Ҳой, кайф-сафо, тур, расво бўлдинг!

Хуррақлар тинди, зум ўтмай, юз-қовоқлари шишган Пиримқул билан Шерали кириб келишди.

— Нима бўлди, қизим? — ҳовлиқиб сўради Пиримқул. Саодат дадасининг бағрига отилди:

— Папуля!..

Ҳамма нарсага тушунган бўлажак қудалар бир-бирларига мамнун қараб қўйишди, чунки бу қарашларда “кутганимиздай бўлибди” деган маънони фақат уларнинг иккисигина билишарди, холос.

Бурнига ҳидлатилган нашатирдан ўзига келган Азиз даставвал ҳеч нимани англамади. Лекин бировнинг ўриндиғида ётганини сезгач, бирдан қўрқиб кетди.

— Нима қилиб қўйдинг, ўғлим? — деди куйиниб Шерали ва Азизнинг ёнига чўккалади. — Энди бу иснодга қандай чидаймиз?



— Дадажон... Мен, ахир... Адолат... Нима бўлди ўзи менга?

— Нима бўлди? Дард бўлди, ўл бўлди, бало бўлди! — бақирди Пиримқул. — Мен сени ўғлим десам, ҳурмат қилиб, бошимга қўтарсам, якка-ю ягона қизимни ишониб, бир хонада ётқизсам, сен эса, мени юзимга тупурсанг, юзимни шувут қилсанг, нима айбимиз бор сенинг олдингда? Эл-юрт олдида ерга қаратсанг, йўқ-йўқ, дўстимнинг ўғлимас, икки туғиб бир қолганим бўлсанг ҳам шундай жазоингни берайки, туққан онанг ҳам танимайдиган бўлсин. Сен энди келиб-келиб менингдек одам билан олишадиган бўлдингми, ифлос?

— Тўхтанг хўжайин, менинг ўғлим сиз ўйлагандай беандиша эмас. Илтимос, бизни холи қолдиришлар...

Ота-бола ўртасидаги суҳбат қай йўсинда бўлгани номаълум, аммо ярим соатдан кейин Пиримқул Азизнинг ўз оғзидан шу гапларни эшитди:

— Майли, мен қизингизга ўйланаман!..

Узоқ кутган орзуси амалга ошганини сезган Саодат йигитга қараб талпинди:

— Азиз ака!..

### Туҳматнинг миси чиқди

**Ш**ифохонага таклиф этилган академик Иброҳимов беморларни кўздан кечириб бўлгандан кейингина Адолатга рўпара келди. Ёши олтмишлардан ошган бу чўққисоқол нуроний дард даражасини касалларнинг кўзларига қараб белгилар эди. У чўпдай озиб кетган Адолатга анчагина тикилиб турди-да, чўнтагидан бир хат чиқариб сўради:

— Бу мактубни сиз ёзганмидингиз?

— Ҳа, мен ёзувдим.

— Кўрамиз.

Шундай дея академик чўнтагидан ён дафтарча билан ручка чиқарди. — Қани, шу ерга бирор нима ёзинг-чи. Дастхатингиз тўғри келса...

— Нима ёзай?



— Ихтиёрингиз. Яхшиси, қисқа қилиб бу ерга қандай қилиб келиб қолганингизни баён қилинг.

— Хўп, — деди Адолат ва шу жумлаларни қоғозга туширди: “Мени эримнинг бевафолиги шу кўйга солиб қўйди. Қайнотам эса, уйдан ҳайдаб чиқариш, суюкли эримдан ажратиш мақсадида невараларининг онасини бадном қилишга ўтди. Устимга бензин қуйиб, аламдан ўзимга ўт қуйиб юбормоқчи эдим. Лекин эплай олмадим. Уйдагиларнинг аврашига, пулига учган “тез ёрдам” навбатчиси мени шу ерга келтирди”.

Кекса доктор ҳар иккала мактубдаги дастхатларни солиштирар экан, ўзича “тўғри келади” деб қўйди-да, блокнотдаги ёзувни қайтадан ўқишга киришди. Сўнгра Адолатнинг кўзига яна бир бор тикилиб сўради:

— Биладан, қизим, мудҳиш воқеаларни эслаш қийин сизга, лекин қисқагина қилиб бир бошдан гапириб беролмайсизми?

— Майли...

Академикнинг палатада узоқ ўтириб қолганидан хавотирга тушган бош врач кўрқа-писа секин эшикни очди. У кириши билан Иброҳимов тутоқиб кетди:

— Сиз жиноятчисиз. Бу беморга нотўғри диагнозни ким қўйди?

— Ўшанда аҳволи оғир эди, доктор. Ўзига ўт қўймоқчи бўлган, қайнотасининг мол-мулкани ўзининг дадасиники, деган. Бунинг устига кўргани келган эрига шиша банкасини отган.

— Мен ўша пайтда эримнинг ёнида турган қизга рашк қилиб банкани итқитган эдим, — деди Адолат бошини эгиб. — Ахир, мен йўлига кўзларим тўрт бўлиб тикилиб, унинг болалари тарбияси билан овора бўлсаму у бошқа бир таннозни қўлтиқлаб, ялло қилиб юрса, шу инсофданми?



— Шуни нега вақтида айтмадингиз?

— Айтувдим, ишонмадингиз.

— Ярамаслар! — деди Иброҳимов жаҳл билан кўзидан кўзойнагини юлқиб оларкан. — Доктор, сиз тўғрингизда ҳокимиятга, вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига, вазирликка ахборот беришга мажбурман. Бу ерда сиздақаларнинг ўрни эмас, боринг!

Бош врач чиқиб кетгач, яна Адолатга мурожаат қилди:

— Бу ерда роса қийналганга ўхшайсиз?

— Унчалик эмас, Дамин Собирович, — Адолат кулди. — Лекин бу ердаги беморлар соғ эканлигини билиб қолсалар, калака қилишар экан. Шунинг учун кўпинча ўзимни жинниликка солиб юрардим.

— Ҳа, — деди академик ўйчан, — бу хилдаги беморлар психикасида шундай иллат бор. Ҳўш, нима қилдик энди? Ўзингизни анча олдириб қўйибсиз. Санаторийга юборсак қандай бўларкан?

— Ўқишимни давом эттирмақчи эдим, — деди Адолат маъюс оҳангда, — мени институтдан ҳайдашибди. Шунга ёрдам қилолмайсизми?

— Буниси қўлимдан келади! Ахир мен Олий Мажлис депутати, халқ ноибиман-ку! Илтимос қилиб кўраимиз.

Дарҳақиқат, тиббиёт оламидагина эмас, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашувчи Дамин Собировичнинг пойтахтда обрўси баланд эди. У касаллик варақасига алланималарни узоқ ўтириб ёзди. Сўнгра иккинчи бир вараққа бир неча жумлани битди-да, Адолатга узатди:

— Бунни ректорга берасиз. У мени яхши танийди. Сизни институтга тиклашади. Нечанчи курсдасиз?

— Бешинчида эдим.

— Яхши. Бундан кейинги тақдирингиз ҳақида ўзим қайғураман. Қани, қизим, отланинг, уйингизга менинг машинамда олиб бориб қўйишади.



— Ҳожати йўқ, Дамин Собирович, ташқарида дадам кутиб турибдилар.

— Ие, дадангиз келдиларми? Хатингизда...

— Олий судга ариза берган эканлар, ишни қайта кўриб, батамом оқлашди. Ҳозир қайнотамни тергов қилишаётганмиш.

— Ҳа, дарвоқе хатингизни кечикиб олувдим, чет элда эдим... Майли, ўзингиз биласиз. Аммо бардам бўлинг. Биз катта йўлга отланганмиз. Баъзан йўлда оёққа ёпишадиган лойлар ҳам учраб туради. Жамиятни шулардан тозалашда сиз — ҳуқуқшунослар давлатга, ҳукуматга қўмакдошларсиз. Шуни унутманг, қизим. Отингиз Адолат, исмингизга яраша иш тутинг. Ҳамиша адолат учун курашинг!

— Биламан, Дамин Собирович, кураш ҳали давом этади. Мен учун эса, виждон амри ҳамиша вожиб!

— Балли! — Ироҳимов ўрнидан қўзғалди. — Бу ерга келишдан олдин эски дўстларим билан учрашдим, одамлар билан суҳбатлашдим. Афтидан тумандаги иқлим бир оз айниганга ўхшайди. Кўрган-кечирганларимни тегишли жойга етказаман. Ҳаммаси яхши бўлади. Ҳўп, хайр қизим...

Кекса олим ўз сўзининг устидан чиқди. Дамин Собирович ёрдамида Адолат ўқишга қайта тикланиб, бир ой деганда асосий фанлар бўйича қарзларидан батамом қутулди. Энди олдинда энг катта довон — давлат имтиҳонлари турибди...

### Қоқилди, аммо йиқилмади...

**М**ана, тезюар “Икарус”да Адолат уйига қайтпти. Оппоқ сурпли филофлар билан қопланган ўриндиқларда кимдир мудраб боряпти, биров газета ўқияпти, ўзи тенги ёш бир йигит шифтга тикилганча ўй суряпти. Ҳамма ўз ташвиши билан банд... “Қизиқ, — ўйлади Адолат. — Бу-





лар орасида Азизга ўхшаганлар ҳам бормикин? Шоли курмаксиз бўлмайди-ку, ахир? Азиз, қаердасан ҳозир? Балки, шу тобда Саодатни бағрингга босиб эркалаётгандирсан, эҳтимол, аллакимни операция қилиб, ҳаётга қайтараётган бўлишинг ҳам мумкин. Эҳ, Азиз, Азиз! Бевафосан, ярамассан, виждонсизсан. Ўзинг йироқдасану нега менга тинчлик бермаяпсан? Нега қалбимни тарк этмаяпсан? Сендай одамни севиб бўлмайди-ку, шундай экан, нега хаёлимдан итқитиб ташлай олмаяпман сени? Кўз олдимдаги сура-тингни ўчира олмаяпман. Ўз ҳолимга қўй мени. Ахир энди сен мен учун бегонасан, бировнинг турмуш ўртоғисан, лекин сени унута олмаяпман. Кет, озроқ раҳм қил менга, бунча бешафқатсан, Азиз?”

Адолатнинг кўзларида ёш айланди. Бун кўзлари хиралашганидан билди. Рўмолчаси билан қовоқларини артар экан, беихтиёр ёнидаги китоб ўқиб ўтирган қизга қаради: чиройли, Саодатга бир оз ўхшаб кетар экан. Балки, Азиз ҳам унинг чиройига учгандир? Мен-чи! Чиройли эдим-ку, мен ҳам. Аммо ҳусн аёл учун муваққат. Вақт ўзи билан олиб кетади уни, қалб эса, гўзаллигича қолади. Саодатнинг дили покмикин? Йўқ. Акс ҳолда, унинг Азизини тортиб олмасди. Ие, тортиб олди, дедимми? Ахир, қўлдан-қўлга ўтиб юрадиган пулмидики, биров тортиб олса, ўғирласа? Бас. Барибир Саодат яхши иш қилмади, икки фарзанди борлигини била туриб, Азизга тегиб олди. Вой-вой-вой, рашк қиляпсанми, Адолат? Эҳтимол, у ҳам севги дардига мубтало бўлгандир? Ахир, муҳаббатнинг кўзи кўр, дейдилар-ку? Бироқ ҳар қанақа бўлганда ҳам, уларнинг қилмишлари номардлик бўлди. Азиз очигини айтаверганда, нима, унинг этагига ёпишиб олармидим?

Уял, Адолат. Бу хомхаёллардан не фойда сенга? Қоқилдинг, аммо йиқилмадинг-ку! Бир жиҳатдан шуниси ҳам маъқул бўлди. Энди эҳтиёт бўласан, эҳ-ҳе, олдин-



да қанча ишлар турибди. Яша ва кураш. Бусиз ҳаётнинг қизиги бўлмайди...

Қўнгли равшанлашиб, уйга кириб келган Адолат дадасидан ўзини “катта” қақираётганини эшитиб, ҳайрон бўлди. Нима иши бор экан менда, ўйлади у, балки қизининг қилмишлари учун кечирим сўрамоқчидир. Борсаммикин? Бораман.

Адолат у ёқ-бу ёғини тузатган бўлди-да, ойсининг “озроқ тамадди қилиб ол” деганига ҳам эътибор бермай, ташқарига чиқди.

Адолат кириб келганида, Пиримқул Болтабоевичнинг хонасидаги ўн чоғли киши чиқиб кетиш учун эндигина ўринларидан туришган экан.

— Келдингизми, қизим? — Ниҳоятда илиқ кутиб олди Пиримқул.

— Қани, бу ёққа ўтиринг!

Хонадагилар эшикка йўл олишганида “катта” уларни тўхтатди:

— Бир дақиқага, муҳим бир масалани биргаликда ҳал қилиб олишимиз керак.

Одамлар ўтиргач, Пиримқул Адолатга мурожаат қилди:

— Аввало, катта бошимни кичик қилиб сиздан кечирим сўрайман қизим. Шунақаси ҳам бўлар экан. Эрингиз менинг қизимнинг бошини айлантириб, уйланиб олибди. Бундан биз беҳабар қолибмиз. Ҳаммаси оиладан йироқда бўлишганининг оқибати. Саодатни қаттиқ қойидим, лекин бурунни сассиқ деб кесиб ташлаб бўлмайди. Азизни эса, бош врачликдан яқинда бўшатамиз. Ахлоқи бузуқ бундай шахсларни раҳбарлик лавозимида қолдириш мумкин эмас. Аммо, уларни ажратиб юборишнинг иложи бўлмаяпти. Афтидан, бир-бирларини қаттиқ севишса керак...

— Мени шунга қақирдингизми? — қуруққина сўради Адолат. — Фарзандларимнинг отаси мен учун энди ўлган, хоҳлаганингизни қилаверинг.



— Биламан, — деди Пиримқул Болтабоевич ғамгин қиёфада, — ҳозир сизга оғир. Сизга ноҳақлик қилган ўша врачларни ҳам вазифаларидан четлаштирдик. Лекин бугун бошқа бир мақсадда сизни бу ерга таклиф қилганмиз.

Шундай деди-да, у хонадагиларга юзланди:

— Туман судининг судьяси муддати тугаганлиги учун ишдан кетганига ҳам анча бўлди (Пиримқулнинг пора билан қўлга тушган оғайниларидадан бирини қамагани учун бечора судья ишдан бўшашга мажбур бўлганини шу ерда ўтирганларнинг деярли ҳаммаси яхши билишарди). Пиримқул буни хаёлига ҳам келтирмай, сўзида давом этди: — Шу вакант ҳали ҳам бўш турибди. Адолат Омонова эса, кўпдан буён суд ижрочиси бўлиб ишляптилар, сиртдан ўқиб, яқинда олий маълумотли ҳуқуқшунос, яъни юрист дипломини оладилар. Шу ўринга мен Адолатхоннинг номзодини тавсия қилиб, тегишли органлардан тасдиқлаб беришларини сўрамоқчи эдим. Шунга сиз — фаоллар нима дейсизлар?

Хонадагилар бу таклифни маъқуллашди, фақат Рустамбой қаршилик кўрсатишга журъат этди.

— Менга қаранг, Рустам Асадович, — деди Пиримқул сиполик билан, — сизни анчадан бери мана шу столга даъвогар бўлиб юрганингизни кўпчилик билади. Сиз ҳамиша менинг фикримга зид иш тутасиз. Бу эса, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишгагина эмас, умумий ишимизга ҳам халақит бераяпти. Агар шу лавозим керак бўлса, юқорига чиқинг, талаб қилинг...

— Юқорида менинг суянчиғим йўқ-да, — деди Рустамбой кулиб, сўнгра жиддий оҳангда деди: — Сизнинг эса, нима ишлар қилиб юрганингизни яхши биламиз.

— Биз ҳам, Рустамбой Асадович, ўйнаб юрганимиз йўқ, биз ҳам сизнинг кирдикорларингиздан жуда яхши хабардормиз.



Туманнинг бу икки “устуни” ўртасидаги даҳанаки жанг Адолатга жуда эриш туюлди, бунга ўзини айбдор ҳис қилиб, аста ўрнидан турди:

— Менга рухсатми?

— Шу гап, Адолатхон, — эски қадрдонлардай гапирди Пиримқул, — яхшилаб ўйлаб кўринг, уйдагилар билан маслаҳатлашинг. Мен шахсан ўзим тегишли жойдан сизнинг номзодингизни тасдиқлаб беришларини сўрайман. Бораверинг, қизим...

Адолат қабулхонага чиқиб, етти ухлаб тушига кирмаган бу гаплардан қувонишни ҳам, ранжишни ҳам билмай, хайрон бўлиб кўчага чиқди.

Қош қорайиб қолган пайт эди. Бу хабарни тезроқ дадасига етказиб, ундан маслаҳат олиш мақсадида айланиб юрмай, Азизларнинг уйи олдидаги хиёбон орқали — қисқа йўл билан уйига йўл олишга жазм қилди. Кекса чинорнинг тагига етганида даставвал уруш фахрийларига ўрнатилган ёдгорлик остидаги ўриндиқда ўтирган икки кишининг шарпаси кўринди, сўнгра уларнинг суҳбати қулоққа элас-элас чалинди. Эрақак кишининг овози Адолатни шу заҳотиёқ чинорга михлаб қўйди. Бу овоз Азизники эди. У Саодат билан нима ҳақидадир даҳанаки жанг қиларди.

— Айтинг, нима етишмайди ўзи сизга? — куйиниб гапирарди Саодат. — Данғиллама уй, машина, пул, амал, мен эса, сизга пайтава бўлсам. Турмушга чиққанимдан буён бирор марта қовоғингиздан булут аримади. Қовоғингиздан қор ёғади. Нима гап ўзи? Ёрилсангиз-чи? Қачонгача ичимдагини топ дейсиз?!

— Айтсам тилим қуяди, айтмасам дилим, деган экан биров. — Азиз сўзининг оҳангидаги маъюслик Адолатнинг юрагини ўртаб юборди, у бутун вужудини қулоқ қилиб суҳбатни тингларди. — Қўй, барибир тушунмайсан.



— Тушунтирсангиз тушунаман-да, ахир! Ёки ўша Адолатингизни қўмсаб қолдингизми? Биламан, ҳали ҳам севасиз уни.

— Ҳа, ҳа, ҳа! — жаҳл қилди Азиз. — Севаман. Лаънат бўлсин дадангнинг ўша зиёфатига ҳам, кампирига ҳам, сен билан мени бадном қилган ўша мудҳиш тунга ҳам!

— Мен айбдорми? — йиғламсиради Саодат. — Маст ҳолда ўзингиз ёпишдингиз...

— Хўп, мен маст эканман. Нега сен додлаб уйни бошинга кўтармадинг? Ахир, суймаганга суйкалиб нима қилардинг? Энди эса, иккита боламни тирик етим қилиб ўтирибман. Уларни соғинганимни биласанми?..

— Борақолинг бўлмасам, ўшаларнинг олдига!

— Қайси бет билан бораман? Атайлаб жиннига чиқариб, касалхонага тиқиб қўйганларингда бормаган, энди бораман-ми? Бунинг устига бевафолик қилган мендек бир гумроҳни Адолат кечиради, деб ўйлайсанми? Кечириб бўпти.

— Сиз бормасангиз ўзи келади. Кўрасиз, ҳали тўполон қилиб, даданнинг обрўйини ҳам тутдай тўкади.

— Келмайди, — деди Азиз қатъий. — Бечора яна даданг қўйган тузоққа тушади.

— Қанақа тузоқ?

— Илоннинг ёғини ялаган даданг ўзини ҳеч нарсадан беҳабар, одамлар олдида беғубор қилиб кўрсатиш учун Адолатни судьяликка тавсия қилмоқчи, бечоранинг тилини қисиб қўймоқчи!

— Ғўддайган Адолат бунга рози бўлмайди. У жудаям мағрур.

Бу гапга жавобан Азиз ўшқириб берди. Аммо унинг нима деганини Адолат эшитолмай қолди. “Нима деди экан-а?”, деб ўйлаб турган эди, ҳамсуҳбатларининг ўринларидан туришганини кўриб, ўзини чинор дарахти



панасига олди. Яхшиямки, улар Адолатни кўрмай, ўтиб кетишди.

— Шошмай туринглар ҳали, — ўзича пичирлади Адолат, — мен ҳимоя қиладиган қонун сизларга ўхшаганларни шундай бошлаб адабини берсинки!

Адолат ўз номзодини судьяликка қўйишга аҳд қилиб, уйига жўнади.

### Нафс гадоси

**О**датдагидек, Пиримқул соат ўн бирларда ишга отланди. Унинг уйи идорасининг ёнидагина бўлса-да, ўн қадам жойга ҳам машинада борар, бино олдида уни ходимларининг катта тавозе билан кутиб олишларини жуда-жуда хуш кўрарди. Аммо бугун негадир машинаси ҳам келмади. Темир дарвозанинг эшигини ёпар экан, ён-верига қараб қўйди: кўча бўм-бўш. Эрталабдан уйи олдида у ёки бу илтимос билан келган пойловчилар нари турсин, ҳатто идора олдидаги таъзимдорлар ҳам кўзга чалинмади. У юрак ҳовучлаб иккинчи қаватга кўтарилди. Ҳамма эшиклар ёпиқ, атроф сув сепгандай жим-жит. Қабулхонада фақат котиба қиз бир нуқтага тикилганча хомуш ўтирибди.

— Нима гап, Гулнорахон, — сўради Пиримқул, бирор шум хабар эшитишдан чўчигандай хавотирли оҳангда, — ходимлар кўринмайдими?

— Нега энди, — ерга қараб жавоб қилди Гулнора. — Аксинча, бугун ҳамма барвақт ишга келган.

Пиримқул ҳеч нарсага тушунмади.

— Бўлмаса бу сокинликнинг боиси нима? Ҳар кунги хушчақчақлик қаёққа йўқолди?

— Йе туманимиз бутун республикага шармисор бўлган шу топда кўнгилга қулгу сизгадими?

— Очиқроқ гапиринг, нега шарманда бўлар эканмиз?

— Нима, ҳеч нимадан хабарингиз йўқми? Мана, эшитинг.



Гулнора деворга осиглиқ радиокарнайнинг мурватини буради. Кеча бўлиб ўтган сессияда катта раҳбарнинг нутқи қайта эфирга таралмоқда эди... Пиримқулнинг устидан кимдир бир челак муздай сув қуйиб юборгандай бўлди, вужуди жунжикиб, бир сесканиб тушди-да, кўчага отилди. Ташқаридаги кечикиб келган шофёрини сўкишни ҳам унутиб, ўзини шошиб машина ичига олгач, буюрди:

— Тошкентга ҳайда...

У шаҳарда гизғизонга айланиб қолди: ошна-оғайниларининг ҳаммасиникида бир-бир бўлиб чиқди. Айримлари телефонларини кўтаришмади, айримларининг уйига борса, олдин йўлга пешвоз чиқадиганлар, энди ҳатто эшикларини ҳам очишмади. Хуллас, Пиримқул бош суқмаган эшик, оғзи тегмаган қошиқ қолмади. Бирига ялинди, иккинчисига “чўзмоқчи” бўлди, учинчисига — “дўстлик ҳурмати”ни рўқач қилди, йўқ, ҳеч кимдан наф топмади. Ниҳоят, катта суянчиғи олдига юз ҳийла билан бир амаллаб кирди-ю, ўзини таппа ташлади.

— Туринг ўрнингиздан, — деди у қаршисида икки букилиб турган нотавон кимсага тикилиб. — Жилувсиз нафс билан шу даврда яшаб бўладими? Иллат ботқоғига чўкиб кетибсиз. Мен бўлсам, сизнинг ҳаракатингиз, гапингизга қараб “зўр ташкилотчи” деб қўлтиқлаб ҳам юрибман-а. Ҳе, садқаи одам кетинг.

— Нафс дедингизми? — қўрқа-писа сўради Пиримқул, — ахир, бир ўзим еганим йўқ-ку?

— Агар гап шунга бориб тақаладиган бўлса, билиб қўйинг, ўша сиз пайғамбар деб биладиган пулингиз тугул, энг зўр оғай калонингиз ҳам сақлаб қололмайди, тагтомирингиз билан гумдон қиламан. Яхшиси мен сизни, сиз мени танимайсиз, уқдингизми?

Бу гап Пиримқулнинг суяк-суягидан ўтиб кетди. У тарвузи қўлтиғидан тушиб, уйга қандай келиб қолганини



ҳам сезмай қолди. У энди пастқам-пана кўчаларда юрса ҳам кўпчилик кўзини шамғалат қилолмади. Аксига олиб, нуқул танишларига рўбарў келди. Ҳамманинг қўлида газета. Бировлар мамнун, аста кетидан кулишар, бировлар ачингансимон унга қараб қўйишар, яна бировлар нафрат билан қарарди. Қўшнилардан бири ҳатто: “Хўжайин, Тошкентда бўлган катта анжумандаги гаплардан хабарингиз борми? Ҳамма нарса рўйирост айтилибди, мана адолат, мана демократия, энди орамиздаги битта-иккита тўрачалар — зўравонларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолса кераг-ов”, деб қолди.

Бу пичинг Пиримқулнинг ичини шилиб ўтгандай бўлса-да, сир бой бермади, тишининг оқини кўрсатиб, уйига кириб кетди, дарвозани тамбалаб, эшикларга қўша-қўша қулф урди. Аммо барча ичи қора одамлар сингари кунни эмас, тунни орзиқиб кутди, одамлар оёғи тиниши билан ҳали бирор марта кўча юзини кўрмаган “Мерседес” машинасида вилоят марказига йўл олди. Лекин, у ёқдан ҳам каллаи саҳарда тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтди.

Пиримқул оёғи куйган товукдай питиллаб қолган, шу бежирим хона қабрга ўхшаб, зим-зиё тун эса, уни домига ютмоқчи бўлаётгандай эди. У ҳамон қўлида ушлаб турган дипломатни хонанинг ўртасига итқитди. Чамадончанинг қулфи синиб, тавақалари ечилиб кетди. Пиримқул унинг ичидан гилам устига сочилган “юзталиқ”, “икки юзталиқ”, “беш юзталиқ” ва “кўк” пачкалар устидан хатлаб ўтар экан, эшик олдига бориб бақирди:

— Хотин!!!

— Лаббай, дадаси!

— Ертўладан ўша қопчиқни олиб чиқ!

Кўп ўтмай, хотини оқ сурпдан тикилган қопчиқни аранг кўтариб хонага кириб келди, қўлидаги юкни эрининг





оёғи остига қўйиб, эшик олдига борди-да, янги буйруқни кутганича сукут сақлаб турди. Упа-элигу аёлларни ғийбат қилишдан ўзга иш қўлидан келмайдиган бу аёл, ҳар қалай, эрининг даҳшатли бир фожиага дучор бўлганини тушуниб етган эди.

— Сизни қамашадими энди, дадаси?

Бир неча кундан буён асаб оловида қоврилиб юрган Пиримқул бирдан портлади:

— Йўқол!!!

Хотини лапанлаганча ташқарига чиқиб кетди. Пиримқул “қамоқ” сўзи туфайли вужудига ёпишган титроқни босолмай, оёғи остидаги қопчанинг оғзини аранг ечди-да, ичидагини тўқди. “Юзталиқ”, “икки юзталиқ” ва “беш юзталиқ”лар, долларлар шилдираб, гилам устидаги дипломатни кўмиб юборди. Хона ўртасида пулдан хирмон пайдо бўлган эди. Пиримқул унинг ёнига астагина чўккалади.

“Пул — қудрат эгаси, белнинг қуввати эмиш, — телбанамо кулди у, — нақшиндорлигинг бўлмаса, қоғоздан нима фарқинг бор, оддий учқун тегса, куйиб, кул бўласан. Мен эса, дунёда на пулга, на олтинга олиб бўлмайдиган катта бойлик — халқ ишончини, давлат ишончини келиб-келиб сенга алмашибман-а! Сени деб қанча-қанча одамларнинг бошига не-не кулфатларни солмадим, хотинини эридан, қизини отасидан ажратдим, қанча ёшларнинг бахтига завол бўлдим. Виждоним ҳам, имоним ҳам сен эдинг! Сени ёр дегандим, аслида ўзимни ваҳшийликка ундадинг. Сен пора бўлиб юзимни қора қилдинг, одамларнинг нафратига учратдинг. Мана энди жар ёқасида турибман, қани кучинг бўлса, ҳимматингни кўрсат, қутқар мени! Йўқ, сен пашшадан ҳам ожиз, оёқ остидаги ҳасдан ҳам паст экансан, буни энди, сени дастингдан бошим тақ этиб деворга текканидан кейин тушуниб ўтирибман. Лекин энди кеч! Қани энди



менда тарикдай ирода бўлса-ю, шу хунук туркиндан юз ўгирсам, афсуски, бевафо малак каби қўлдан-қўлга ўтиб юришингни билсам-да, ҳамон сенга қулман, ҳамон дилбар ёр мисол кўз сузиб, қош қоқаяпсан. Майли, шу гулгун чехрангга боқиб, бу нотавон кўнгилни бир зум бўлса-да, хушнуд этай. Наҳотки, сизларни энди ўз қўлим билан топширсам. Йўқ, йўқ...

Шу тобда Пиримқулни кўрган киши телба бўлиб қолибди, деган хаёлга бориши турган гап эди. Эшик тирқишидан мўралаётган хотини худди шу хулосага келганди. Шунинг учун ҳам у халлослаганча бориб, Пиримқулнинг тоғаси Самад акани бошлаб келди. Ҳозир ҳам иккови ҳайрат билан Пиримқулнинг маърузасига қулоқ солишяпти. Йўқ, Самад ака ортиқ чидаб туrolмади, зарб билан эшикни очиб, хонага кириб келди, ўртадаги пул уюмини кўрди-ю, кўзлари чақчайиб кетди.

— Шунча пул-а? — деди у бели синмаган даста-даста пулларга тикилиб. — Демак, пул жинни қилиб қўйибди-да, сени?

Пиримқул бошини кўтариб, қаршисида турган тоғасини кўрди-ю, пул уюми устига ётиб олди:

— Тегманг, меники, ҳаммаси меники!..

— Ўл-э, пул гадоси! — Нафрат билан нари кетди Самад ака. — Шу пул сенинг бошингга етди! Ўл, бу кунингдан!

— Тоға энди чиқиб кетишга шайланган эди, хонага хўнграб йиғлаганича Азиз кириб келди. У анчагача ўзини босолмади.

— Тинчлан, ўғлим, — юпата бошлади Самад ака, — мана сув, ичиб ол... Баракалло. Ана энди, гапир.

— Дадам пулларини яширмоқчи бўлиб турувди, уйни милиция босди, бечора, оҳ, деб юрагини чангаллади-ю, шу заҳоти йиқилди.

— Ўлдимиди? — сўради Самад ака.



\* \* \*

— Милиция дедингми? — Пиримқулнинг ранги оқариб, зўрға пичирлади...

— Дадам... тезроқ, — яна Азизнинг кўзларидан ёш оқиб туша бошлади. — Ёрдам беринглар, ёрдам!

— Энди дадангизга ёрдамнинг ҳожати йўқ! — Бу овоздан ҳамма ялт этиб эшик томонга қаради. Остонада милиция полковниги кийимидаги мўйловига оқ оралаган ўрта яшар бир киши турарди.

— Шерали ака оламдан ўтди!

— Дадажон! — Азизнинг даҳшатли чинқириғи каттакон хонани ларзага келтирди. — Дадажоним!..

Самад ака йигитни суяб, ташқарига олиб чиқар экан, пул уюмини кўрсатиб, полковникка имлади.

— Ўх-хў, — деди полковник ҳайратини яширолмаёй, — сиз ҳам пулдан тоғ ясабсиз-ку?

Ўша куни милиция ходимлари Пиримқулнинг уйида акт ёзишнинг ўзига беш соат вақт сарфлашди...

\* \* \*

Терговчиларнинг боши гаранг. Пора олганлар ҳам, берганлар ҳам айбини бир-бирларига тўнкашга уринишар, бу эса, ишни бирмунча чигаллаштириб, тергов ишлари муддатини чўзиб юбормоқда эди. Суд ва прокуратура жойлашган бино чумоли уясини эслатар, бу ерга келиб-кетувчиларнинг кети узилмасди. Жиноятчилардан бир гуруҳи суд қилинадиган куни Пиримқулни гувоҳлар билан юзлаштириш учун шу бинога олиб келишди.

Хукм ўқиб бўлингач, жавобгарликка тортилган шахсларни усти ёпиқ машинага бирма-бир олиб чиқишаётганда икки милиционер қуршовида бир чеккада бошини ҳам қилиб турган Пиримқул судланганлар орасида бирдан ўзининг собиқ шофёрини кўриб қолди.



— Аваз! — деб чақирди у. — Аваз бир зум тўхтаб, орқасига ўгирилди-да, истехзоли кулди:

— Ҳа, менгаям “срок” беришди, хўжайин. Сизнинг ҳимматингиз билан беш йилни, мана, бел букчайиб орқалаб кетяпмиз. Порахўрга воситачи эмишман!

Тошбағир Пиримқулнинг кўзидан биринчи марта икки томчи ёш думалади.

\* \* \*

— Ана шунақа гаплар, ота, — деди Адолат ҳикоясини тамомлар экан, — нопок, баднафс инсонлар орамиздан юлиб ташланди. Аммо кураш ҳали давом этади. Ўша катта анжуманда таъкидлаганидек, бу — бир ойлик ёки бир йиллик мавсумий иш эмас. Бўрон бир кўтарилади-ю, дарров ўтиб кетади, деб ўйлаётганлар ҳам бор, аммо улар қаттиқ хато қилишади. Биз бу ишни ниҳоясига етказмасдан қўймаймиз. Биз мана энди ҳақиқий ҳуқуқий демократик давлат қураимиз. Орамизда қонунга чанг солувчи қонунбузар зарпечаклар бўлмайди.

Орага қисқа муддатли жимлик чўкди. Анчадан кейин кекса маслаҳатчи йўталиб қўйди-да, бир сўзни бир неча марта такрорлади: зарпечаклар...

— Жуда топиб айтдингиз, қизим. Зарпечакнинг илди-зи бўлмайди, зеро, бизнинг одил ва адолатли жамиятимизда бу иллатнинг илдизи бўлиши ҳам мумкин эмас. Аммо ана шу зарпечаклар айрим ёшларни заҳарлаган бўлиши мумкин. Уларга ниҳоятда эҳтиёткор бўлмоғимиз, огоҳ бўлмоғимиз зарур. Ҳа, дарвоқе, Азиз қаерда экан-а, ҳозир?

— Азизми? — Адолат маънос кулди. — Бугун уни суд қилмоқчи эдик.

— Нега?

— Хотинини муштлабди. Бошини ёриб қўйибди. Мен-да эса, уни муштлашга мажол...



Маслаҳатхонага кириб келган ёшгина йигит гапнинг белига тепди. У Адолатга бир қоғоз узатар экан, ўзини таништирди:

— Мен Азиз Шералиевичнинг адвокатиман. У шу мактубни сизга бериб қўйишни илтимос қилди.

Адолат ҳайрон бўлиб атрофдагиларга қаради-да, хатни котиба қизга бериб, “ўқинг” деган маънода имлади. Унда қуйидаги жумлалар битилган эди:

*“Адолат! Мен виждоним раислигида ўзимни ўзим аллақачон суд қилиб, ҳукмини чиқариб қўйганман. Мен каби очиқ бир кўрга иккита пулхўрнинг тузоғига тушиб, сендай бир фариштани ранжитганим, сенга бевафолик қилганимни умрбод эслаб юришдан қаттиқроқ жазо йўқ. Шунинг учун ҳам ҳеч нимадан тап тортмай, истаган ҳукмингни чиқаравер. Энг олий жазога тортсанг ҳам, мен гуноҳкорлигимча ўлиб кетаман. Шунда ҳам менда сенинг ҳақинг кетади. Лекин шуни билиб қўйки, сендан бошқа ҳеч қачон ҳеч кимни севган эмасман.*

*Агар ҳақиқатнинг тағига етиб, кечирганингда ҳам, мен ўзимни асло кечиролмайман. Болаларимни ўлиб қўй. Азиз”.*

Кекса маслаҳатчи чуқур “уф” тортиб, тимирскилана-тимирскилана чўнтагидан дастрўмолини олиб, кўзларини артар экан:


— Бечора йигит! — деб қўйди. Сўнг илтижо билан Адолатга юзланди:

— Шу болага жуда юрагим ачияпти. Унинг тақдири нима бўлар экан?

Адолат елка қисиб қўйди...



## “АДОЛАТ” НАШРИЁТИНИНГ ЯНГИ НАШРЛАРИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИНГ



### А. Саидов, Л. Керен “АМИР ТЕМУР ВА ФРАНЦИЯ”

Таниқли француз олими Люсьен Керен ва ўзбекистонлик ҳуқуқшунос Акмал Саидов ҳаммуаллифликда Амир Темур ва теурийлар сулоласи тарихининг француз шарқшунослик мактаби томонидан ўрганилишига бағишлаб ёзган мазкур китобнинг биринчи наشري чикқанига йигирма йил бўлди. Ўтган даврда ҳар икки муаллифнинг аини мавзудаги тадқиқотлари кўлами бириридан қизиқарли маълумотлар ҳисобига изчил кенгайди. Китобнинг навбатдаги наشري ана шу янги илмий-ижодий изланишлар натижалари билан тўлдирилган.

### А. Саидов “ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – ДУНЁ ЖАМОАТЧИЛИГИ НИГОҲИДА”

Ушбу тўпламдан хорижий мамлакатлар давлат арбоблари, илмий, ўқув ва ишбилармон доиралари вакилларининг оммавий ахборот воситаларига берган интервьюлари ўрин олган. Улар давлатимиз ҳамда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳасида юз берган туб янгиланишларда мамлакатимиз Асосий қонуни, шунингдек барқарор тараққиётга эришишнинг муҳим асоси ҳисобланадиган юртимизни янада ривожлантириш бўйича “Харакатлар стратегияси”нинг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билдиришган.



### Х. Одилқориев ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ

Дарслик давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги замонавий илмий концепцияларни инobatта олган ҳолда тайёрланган бўлиб, унинг мавзулари анъанавий ёндашувлар билан бир қаторда янги муаммолар ҳамда нуқтаи назарлар тақини асосида ёритилган. Унда мамлакатда шаклланаётган фуқаролик жамияти, демократик давлатчилик ва ҳуқуқий тизим хусусиятларига оид назарий хулосалар ўз ифодасини топиши баробарида, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, моҳияти, механизми, функциялари, шакллари, уларнинг жамиятни модернизациялашдаги роли жонли тарзда баён этилган.

Юридик олий ўқув юртларининг талабалари, ўқитувчилари, мутахассислар, илмий изланувчилар, магистрлар ҳамда давлат ва ҳуқуқ масалаларига қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.





**Т. Тошев**

**“МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР...”**

Хотира ўзиники англашга, ўтмишни доимо ёдда тутишга бот-бот даъват этиб турадиган муқаддас туйғу. Инсон ўзининг ким эканлигини хотира ва қадр туйғуси орқали чуқурроқ англайди.

Ўтганларни бот-бот эслаш, дуо ила ёд айлаш, тирикларнинг қадрига етиш, ҳурмат ва иззатини жойига қўйиш халқимизнинг азалий қадриятидир. Ушбу китобдаги хотираларни ўқир экансиз, беихтиёр кўнглингиздан ўтганларнинг руҳини шод этиб, тирикларнинг ҳурматини жойига қўйиш билан бирга, ёшлар қалбида ота-боболаримиз жасорати, ибратли ҳаёти ва меҳнатининг қадрига етиш, Она Ватанга, халқимизга меҳр-муҳаббат, Истиқлол ғояларига садоқат, шу юртга муносиб фарзандлар бўлишдек эзгу туйғулар ўтади.



**Р. Худойкул**

**“БИР ЖИНОЯТ ТАРИХИ”**

Жиноятнинг тури кўп, унинг сабаб ва илдилари битта! У ҳам бўлса, балои нафсдир. Унинг бошлаб борар манзили — жаҳолат ботқоғи.

Жиноятта қонуний жазо муқаррар, албатта. Аммо, афсуски, ҳар бир жиноий ишнинг бейб қурбонлари бор. Балки, улар сизу бизнинг лоқайдлигимиз қурбонларидир. Шунинг учун ҳам суд залидан ҳикоя қилинган воқеалар баёни орқали муаллиф барчамизни уйғоқ қалб билан огоҳ бўлишга ундамоқда.

**Қ. Раҳимбоева**

**“ТҲЙЛАР МУБОРАК!”**

Тўй фақат шахсий эмас, ижтимоий ҳодиса. Унинг ҳар бир қисмида миллат маънавияти, қалби, қиёфаси акс этиши керак. Кейинги пайтларда тўйларимизда тақлид кучайиб, ўзимизга қадрли, юрагимизга яқин бўлган анъаналардан узоқлашиш ҳолати кузатилаётганда.

Мазкур китоб муаллифининг фикрлари фуқароларни, айниқса, ёшларни ўзликка қайтариш йўлидаги муваффақиятли уринишлар, дейишимиз мумкин. Рисола куюнчаклик билан самимий руҳда ёзилгани учун ўқувчига муаллиф ғоялари тез “юқади”, деб умид қиламиз. Ушбу китобдаги мақолалар маҳаллаларда ўтаётган маънавий тadbирларнинг асосий мавзуларидан бири бўлади, деб ният қилдик.



**“Адолат” нашриёти.** 100192, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-уй. Тел.: (99871) 268-28-56, (99871) 268-28-57.

Веб сайт: [www.adolatnashr.uz](http://www.adolatnashr.uz), электрон почта: [adolatnashr@umail.uz](mailto:adolatnashr@umail.uz).

**“Юридик адабиётлар” китоб савдо мажмуаси.** Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 40 “А” уй. Тел.: (99871) 280-55-47.

# АДОЛАТГА ХИЁНАТ

*Адабий-бадиий нашр*

*Муҳаррирлар:* А. Омонов,  
Г. Ортиқхўжаева  
*Техник муҳаррир:* А. Аҳмедов  
*Саҳифаловчи:* Ш. Расулов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
«Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. АЛ № 228, 16.11.2012.  
100192, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-уй.

Телефонлар: 0(371) 268-28-56, 268-28-57.

Факслар: 0(371) 268-28-43, 268-28-41.

Веб сайт: [www.adolatnashr.uz](http://www.adolatnashr.uz)

e-mail: [info@adolatnashr.uz](mailto:info@adolatnashr.uz)

Босишга рухсат этилди 20.12.2017 й.  
Қоғоз бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. «Academy» гарнитураси.  
Офсет усулида чоп этилди. Босма табағи 2,5.  
Нашриёт ҳисоб табағи 2,0. Адади 1000 нусха.  
-буюртма. Нархи шартнома асосида.

**«Print Line Group» хусусий корхонаси**  
**босмахонасида чоп этилди.**  
**Тошкент ш., Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.**